





ОДИЛ ЁКУБОВ

ДЯМАДЖУЗ

ХИКОЯЛАР

ЎзССР ДАВЛАТ ВАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ

Т о ш к е н т - 1 9 6 3
www.ziyoubz.com kutubxonasi

Ўз2

Е93

Ушбу китобчага ёзувчи Одил Еқубовнинг янги ҳикоялари кирган. Улардан бири — «Аямажуз»да қилиғи, хатти-ҳаракатлари қишининг охирги кунларида келадиган қора совуққа ўхшаш кишиларнинг тақдиди билан танишасиз ҳамда орамизда ҳамон шунақа одамлар бор эканлигини билиб оласиз.

«Видо»да эса бутун ҳаётини, ҳунарини халқ хизматига бағишилаган нуроний кекса ва унинг оталик орзу-умидларини рўёбга чиқара олмаган ноқобил фарзанди қаламга олинади.

Еқубов О.

Аямажуз. Ҳикоялар. Т., Ўзадабийнашр,
1963.

96 бет.

Якубов А. Аямажуз. Рассказы.

Ўз2

видо

Уста Қобилнинг аҳволи оғирлашганинг бир ҳафтадан ошди. У катта меҳмонхонанинг тўрида, боққа қараган очиқ деразанинг олдидаги ёғоч каравотда бошига қўш ёстиқ қўйиб чалқанча ётарди. Қалта қирқилган оппоқ соқоли шифтга қараган, икки чаккаси худди ўйиб олингандай чуқур ботган, узун қирра бурни сўррайиб қолган. Фақат кўкрагида ётган қўллари, айниқса, томирлари бўртиб чиқкан. катта суюкдор кафтлари, гарчанд тарашадай қотиб кетган ва дағал бўлса ҳам, бурунгидай бақувват ва гўзал кўринади.

Устанинг дарди ошқозонида. Назаридан ичига очкўз бир тиpratikan киргану.

бир ойдан бери гоҳ ичакларини тирнаб-тимдалайди, гоҳ чангаллаб ғижимлайди, гоҳ усиз ҳам безиллаб турган жойига мисоли чўғ босгандай қовуриб-куйдиради...

Мана бир ҳафта бўлдики, уста овқатдан қолди. Фақат ичи ёниб кетган маҳалда сопол кўзада турган муздай қатиқдан бир қултум ютиб қўяди, холос.

Хасталик енга бошлаганидан кейин уста шаҳардаги кенжা ўғли Нодирга хабар бердирган эди. Бурноғи куни келинни олиб у ҳам етиб келди.

Устанинг дарди оғирлашиб қолганидан буён уйдан одам аримас эди. Нодир келгандан бери келди-кетди яна ҳам авж олди, шунчалик авж олдики, катта келини Гулжаҳоннинг қозондан қўли бўшамай қолди. Йўқлаб келувчиларнинг аксарияти бир-икки соатсиз тарқашмас эди. Одатда улар меҳмонхонага ғамгин бир қиёфада кириб келишар, хусусан ҳолаҳвол сўрашаётганларида кўзларида, овозларида чуқур ачиниш, ҳатто изти-

Б акс этиб турар, аммо, эҳтимол, усту озор чекаётганини сира билдиришганни учундир, эҳтимол, ҳамманинг саволига бир хилда «Худога шукур!» деб жавоб бергани учундир, хиёл ўтмасдан уни унутиб қўярдилару, сұхбат қизиб, ҳазил-мутойиба, кулги бошланиб кетарди. Мана ҳозир ҳам катта деразанинг олдидаги сўрида уч-тўрт киши пешиндан бери чақчақлашиб ўтиришибди.

Тўрда соchlари оппоқ оқарган бўлса ҳам ўзи хийла ёш кўринадиган Азиз домла ўтирибди. Унинг ёнидан Нодир жой олган. У ҳавө ранг ипак бриджа кийган, эгнидаги нафис ипак майканинг орасидан думбадай оппоқ юмалоқ қорни кўриниб турибди. У шундай ғалати се-мирганки, тарам-тарам қип-қизил юзи, қовоқлари шишиб, кўзлари қисилиб қолганга ўхшайди. Ўзиям қандайдир салобатли, вазмин кўринади, шоҳи рўмолчалиси билан бўйинни, мунчоқ-мунчоқ терлаган узун қирғий бурнини тез-тез артиб, сукут сақлайди, саволларга кўпроқ

бошини қимирлатиб жавоб беради ёки жилмайиб қўя қолади.

Эҳтимол, уч-тўрт йилдан бери кўрмагани учундир, ўғлиниг бунчалик ўзгариб кетиши устага қандайдир ғалати туюлади.

Нодир охирги марта, буидан тўрт йил муқаддам, раҳматли кампир вафот этганида келин билан бирга келиб, бир ҳафта-ўн кун туриб кетганди. Шундан кейин иши оғирлашиб кетди чамаси, чақиртиrsa ҳам келмаган, фақат бултур кузда «илмий асаримни тугатиб олгунимча қишлоқда туриб турсиён», деб тўнғич қизлари Фирузани бериб юборганди. Мана, ниҳоят ўзи ҳам келди, келди-ю, устани ҳайратда қолдирди: тўрт йил ичида тамоман бошқа одам бўлган-қолган. Е уста азалдан семизликни хуш кўрмаганидан шундай туюляптимикин?.. Нодир нинг рўпарасида чордана қуриб, колхоз бухгалтери Икром деган йигит ўтирибди. У ҳам шунчалик семирганки, боши билан бўйни қўшилиб кетганга ўхшайди,

кatta юмалоқ қорни чордана қурган оёқларининг ўртасида ҳўппайиб турибди, фақат раисликка яқинда сайланган Самад деган йигитгина қотма, новча, ўзиям юзлари кунда куйиб қорайиб кетган.

Уларнинг суҳбатиям ғалати. Мана бир соат бўптики, гап ҳозирги ёшларнинг аҳлоқи устида кетяпти. Бу гапни одатдагидай Азиз домла бошлаган. Узун, нимжон бармоқлари билан лабларини тез-тез силаб, ҳозирги ёшларда одоб қолмаганидан, ўқишга, илмга қизиқиш сўниб бораётганидан шикоят қиласди, куюниб-тутақиб гапиради.

— Тўғри айтасиз, домла! — дейди Икром бутун гавдаси билан қўзғалиб.— Ҳозирги ёшлар на урф-одатни билишади, на иззат-икромни!

Самад пешанасини тириштириб:

— Сен ҳам жа... — дейди. Унинг ово-^узида, чўзиқ, қорамағиз юзида қандайдир ўнғайсизлик ифодаси жилва қиласди. Аммо Икром буни сезмайди.

— Нима, ёлғонми?— дейди у калта, семиз қўлини силкитиб.— Бизлар ўқиган маҳалда қанақа эдик? Мана, домла ўзлари айтсинлар!

Домла лабларини тез-тез силайди:

— Ҳа, у чоғлар бошқача эди!— дейди у ва ғалати жилмайиб қўяди.

«Эски ҳаммом — эски тос!— ўйлади уста.— Ёшларни камситишгани камситишган»...

Икром яна бир қўзғалиб:

— Яшанг, домла!— дейди мароқ билан ва Самадга юзланади.— Нафсилемрига бизлар бошқача эдик! Орамиздан тузук-тузук одамлар чиқиши ҳам бежиз эмас!..

— Масалан, машҳур бухгалтерлар,— дейди Самад кулиб.

— Мен ўзимни айтипганим йўқ... Мана, масалан, Нодирни олайлик. Олим бўлди. Диссертация ёқлаяпти.

Ҳамма Нодирга тикилади. У бир қўзғалиб, кулимсираб қўяди, аммо юзи ҳамміша қип-қизил бўлгани учун Икром-

нинг сўзларидан ўнғайсизландими, йўқми, буни билиб бўлмайди.

«Ҳа, олим!— дейди уста хаёлида.— Улуғ сўз, табаррук сўз!»

Азиз домла қандайдир бўлакча ҳурмат билан жилмайиб қарайди. У Нодирни ёшлигидан севади, уни ўзининг энг яхши шогирди деб билади, ҳамиша ундан фахрланиб юради.

— Бизни қўявер,— дейди у, қўлинни Нодирнинг тиъзасига қўйиб.— Қани, ўзингдан гапир. Қалай, диссертация битдими?

Нодир рўмолчаси билан бўйинни, юзларини артади, қошларини чимириб хиёл сукут сақлайди.

— Битди,— дейди у ниҳоят.— Афторефератниям ёзиб тарқатганмиз. Башарти бобой бунаقا бўлмаганларида эди..— У кўз қири билан уста ётган томонга бир қараб қўяди,— келаси ҳафталарда ёқлаган бўлардим. Энди кузга қолиш хавфи бор, аммо бобой бунаقا бўлганларидан кейин... илож қанча?

Уртага жимлик чўкади.

«Ҳа, бобой,— дейди уста.— Бобой...»

Бу сўз, эҳтимол, Нодир уни шу маҳалгача «дада» деб чақиргани учундир, қулоғига ғалати эшитилади, негадир дилини оғритади.

Бир ойдан бери ёпишиб олган бу дард асабларини қақшатиб қўйган эканми, ё Нодирни азалдан яхши кўргани учунми, ишқилиб, бурноғи кун эрталаб келин иккиси кириб келганларида, устанинг кўнгли бирдан эриб кетди-ю, кўзига ёш олди. У тарашадай қотиб қолган қўлларини ёғоч каравотнинг қирраларига тираб, ўрнидан тура бошлади. Лекин шу пайт, худди уни биринчи марта кўргандай тикилиб қолган Нодир шошиб қўлларини чўзди:

— Қўзғалманг, қўзғалманг!— деди у энтикиб. Сўнгра каравотнинг четига ўти-паркан:

— Ҳа, бу қандай бўлди, бобой?— деб сўради.

Қизиқ, уста шу сўзни эшитди-ю, Но-

и кўрганида тарқагандай туюлған
консизлик аъзойи баданини қайта
чўлғаб олди. У остоңада ранги ўчиб тур-
ган келинига: «Омонмисан болам?» де-
ди-да, ўзини ёстиққа ташлади...

Шундан бери уста «бобой» сўзини Но-
дирнинг оғзидан ҳар куни бир неча мар-
та эшилади, бироқ, ажабо: унга ҳеч ўр-
гана олмайди...

Ўртага чўккан сукутда Икромнинг
ғўлдираган овози эшилиди:

— Ҳа, бобой... бобой молодец, шифо
берса ҳали отдай ўйнаб кетадилар.

Нодир оёқларини йиғишириб чордана
қуриб ўтирди, бир-икки марта йўталиб
қўйди.

— Ҳа, албатта,— деди у,— диссера-
цияни олдинроқ ёқлаш ҳам мумкин эди.
Аммо ўзларингдан қолар гап йўқ. Оила
қурдик. Янги уй, янги рўзгорнинг таш-
виши ҳам осон бўлмас экан...— у кўпроқ
домлага мурожаат қиласди, домла эса,
бошини тез-тез ирғаб, кулимсираб қўя-
ди.— Илгари бошимизга тушмагунча

билмас эканмиз,— дейди Нодир қулиб.— Ипидан-игнаси гача деганларидек, қозон-товоғу, чўмичгача муҳтоҷ бўларкан сиз, киши. Тўғри, бобой ёрдам бериб турдилар. Буни инкор этиш адолатдан бўлмайди. Лекин оила бўлга ч, моддий ва маънавий эҳтиёж ҳам минут сайин ўсиб бораркан... Аммо...— Нодир қийғир бурни-нинг учларидағи терларни бармоғи билан сидириб ташлаб, илжаяди.— Аммо бу ташвишлардан қутулиб олдик. Борсаларингиз кўрасиз, ҳеч нарсадан муҳтоҷлигимиз йўқ. Ҳаммасини саранжом-саришталаб олдик...

«Саранжом-саришта,— дейди уста.— Қозон-товоқ...»

Самад секин йўталади:

— Диссертациянгиzinинг темаси?..— дейди у қошларини чимириб.

— Темаси...— Нодир бир қўзғалиб қўяди, пешанасини артади.— Шу соҳада мұтабар бўлмаган кишиларга бир қадар ғалати туюлиши мумкин.— «Бақанинг асаб системаси...»

— Йўқ, йўқ, нега?— дейди Самад.

— Гап шундаки, бақа билан одамнинг асаб системаси ўртасида маълум яқинлик бор. Мана, домла биладилар.— Но-дир Азиз домлага юзланади, домла шошқалоқлик билан бош иргайди:

— Албатта, албатта,— деди у лабларини силаб.

«Бақа,— ўйлайди уста,— одам, асаб...»

Тўсатдан у, бу гаплардан боши оғрий бошлаганини сезади, бор кучини тўплаб ёнига ёнбошлаб ётади. Ётган заҳоти юзини майин тоғ шабадаси силаб ўтади, димоғига райҳон ҳиди уради. Уста бошини кўтариб олманинг соясига қарайди. Соя у мўлжаллаган жойга борибди: демак Абдуллажоннинг қайтиш маҳали яқинлашибди.

Мана бир ой бўптики, Абдуллажон, қурилаётган шифохонада унинг ўрнига усталик қиляпти. Ҳар куни кечқурун ишдан қайтганидан кейин устага ҳисобот беради.

Уста кўнглининг бир четида бу бино

ундан қоладиган сўнгги ёдгорлик бўлишини сезгани учунми, ё бу ишни савоб деб билиб, тўшак ёзиб ётиб қолгунгача унга бор кучи, ҳунари, меҳр-муҳаббатини бериб келгани учунми, ишқилиб, ҳар куни Абдуллажоннинг йўлига интизорлик билан тикилар, унинг қурилиш тўғрисидаги гапларини эшитаётганда эса ҳатто оғриқ ҳам эсидан чиқиб кетарди.

Шифохона ярми район ҳисобига, ярми колхоз ҳисобига қурилмоқда эди. Ўзи унча каттаям эмас, саккиз хоналик оддийгина бир бино эди. Лекин ўтган йили район катталари, айни иш қизиган бир маҳалда, шаҳарда коптоқ тепадиган майдон қуриш баҳонаси билан ўз улушларини олиб қўйдилару (коптоқ тепадиган майдон қаёқда-ю, шифохона қаёқда?), колхознинг қуввати етмасдан, қурилиш тўхтаб қолди. Башарти уста масалани йиллик-ҳисобот мажлисида кўтариб чиқмаганида, эҳтимол, бу йил ҳам битмас эди. Мана энди раис ҳам хурсанд, аҳли қишлоқ ҳам.

Уста шу бинони битказсам бас, кейин кампирнинг ёнига жўнасам ҳам розиман деб ўйлаганди, аммо ниятига етолмади— унинг тўрт деворини тиклаб, энди устини ёпаман деб турганида ётиб қолди тўшак ёзиб.

Устанинг хаёлини рўпарадаги шафтолизорда пайдо бўлган бир тўп болалар бўлиб юборди. Болалар орасида Абдуллајоннинг иккита ўғли билан Нодирнинг қизи Фируза ҳам бор эди. Қизиқ: уста шу неварасига бўлакча меҳр қўйганди. Айниқса, унинг кўзларини яхши кўрар, унинг ҳамиша кулиб турадиган чарос кўзлари устага негадир кампирни, тўғрироғи, унинг ёшлик чоғидаги кўзларини эслатарди... Нодирлар келгунча Фируза ҳам Абдуллајоннинг болаларидай кийим-боши лой бўлиб, яланг оёқ-яланг, бош чопқиллаб юради, онаси келгач, қизига калта оқ кўйлак кийгизиб, соchlарига оқ лента боғлаб қўйди. Мана энди дарахтлар орасида бир қарашда шохдан-шохга учиб-қўнган ниначига, бир

қарашда капалакка ўхшаб яйраб-яшиаб юрибди.

«Ишқилиб, умри узоқ бўлсин...»

Уста унинг шўх қилиқларини суқланиб кузатаркан, хаёлига фавқулодда бир фикр келди, у Нодирни ҳам бошқа фарзандларидан кўра кўпроқ севган, болалиғиданоқ унга муҳаббат қўйганди.

Эсида бор: урушдан олдин уста йигирма тўрт хоналик янги мактаб солган, тўғрироғи, ҳамма усталарнинг тепасида туриб, қурилишга бошчилик қилганди. У маҳалда умуман қурилиш кам экан чамаси, унинг бошланиши қишлоқда катта воқеага айланган, фақат колхозчилар эмас, ўқитувчилар ҳам ишга енг шимариб киришгандилар. Ўшанда баъзан тушда, баъзан кечқурун Нодир устага овқат олиб келарди. У пайтда Нодир ё иккинчи, ё учинчи синфда ўқир, ўзиям устага ўхшаган новча, озғин, аммо юлдузи иссиққина, ниҳоятда озода бир бола эди. Уста уни ҳамиша ёнига ўтқазиб бағрига босарди. Уни бошқалар ҳам

очиқ чеҳра билан қарши олишар, эркалашар, ўқитувчилар эса бири биридан ошириб мақтаб кетишарди. Айниқса, Азиз домла кўп мақтар, «ўзи иккинчи-да-ю, аммо зеҳни бешинчи синф боласининг зеҳнидан ўтири буни!» дерди қайта-қайта таъкидлаб ва бу билан даврадагиларга: «Сенларнинг фарзандларинг ҳам шундоқ бўлсин» демоқчи бўларди.

Дастлабки пайтларда Нодир бу гаплардан жуда ийманар, юзини устанинг елкасига яширас, уста эса кулиб қўя қоларди. Лекин Нодир бу гапларга ўрганиб қолди, ҳатто мақтов кутиб одамларнинг оғзига қарайдиган бўлди.

Сўнгра уруш бошланди-ю, ҳар ким ўз ғами, ўз ташвиши билан бўлиб қолди. Аммо уруш тамом бўлгач, бу гаплар қайта бошланди. Бу сафар Нодирнинг шуҳрати тонг юлдуэйдай чарақлаб кетди, бир-икки марта газетада сурати босилиб чиқди, ёш бўлса ҳам баланд минбарлардан гапирадиган, чет элдан келган меҳмонларни табриклайдиган одат

чиқарди, ўқитувчилари эса ҳатта олим бўлишини каромат қила бошладилар. Аста-секин уста ҳам унга бошқача қарайдиган, у билан фахрланадиган бўлди. Ўзиям китоб мутолаа қилишдан бошқа ҳамма рўзғор ишларидан озод бўлди. Бир жиҳатдан шундай қилганлари ҳам чакки бўлмаган экан, мактабни юксак баҳо билан тугатди. Кейин шаҳарга кетди. Уста ундан топганини аямади. Абдуллажон ҳам ойма-ой қарашиб турди. Нодир бу сафар ҳам яхши ўқиди, яхши ўқигани учун бўлса керакки, шаҳарда олиб қолиши... Бу жиҳатдан уста ўғлидан мамкун, ҳатто узоқ вақт жимиб кетганида ҳам ранжимаган, негаки, улуғ мақсад йўлида юрганини тушунар, бу тўғрида домлалар, айниқса, Азиз домла гапирганда, кўнгли тоғдай ўсарди. Ҳали-ям бўлса уста ундан ранжимас эди, факат бир нарса унга ғалати туюлади: шунчалик ўзгариб кетган, илгариги Нодирга, устанинг ўзидаи новча, қадди-қомати келишган ўғли Нодирга сира ўхшамайди?

Тўсатдан уста ичидаги типратикән бир ағнаб, юрагининг тагига қаттиқ қадалганини, оғзи, томоқлари қуруқшаб қолганини сезди.

Бош томонида сопол кўза, кўзада муздай қатиқ. Уста ичини аланга олганда қатиқдан бир-икки қошиқ ичди. Лекин ҳозир буни ўзи олиши керак, токи улар сезиб қолишса, ҳаммаси сапчиб туришади, яна ўша жонга теккан бир хил савол-жавоблар бошланади...

Уста бор кучини тўплаб, ўнг ёнига секин ағдарила бошлади, бироқ, қанчалик эҳтиёт бўлмасин, Самад пайқабб қолди чамаси, ўрнидан сакраб турди.

— Уста ака!

Самаддан кейин Нодир ҳам оғир қўзғалди:

— Ҳа, бобой, нима гап?

— Йўқ-йўқ,— леди уста,— ўзим, бир қошиқ қатиқ...

У Самад тутган қатиқдан икки-уч қошиқ ичди. Муздай қатиқ назарида, худди жиз-жиз куйиб турган жойига бориб

тегди-ю, ором берди. У ўзини ёстиқقا ташлаб кўзларини юмганди, Самад энгашганини сезиб, қайта очди.

— Хўп, бўлмаса уста ака,— деди Самад,— яхши ётиб туринг...

— Барака топ, болам.

— Рангингиз анча яхши. Умуман... у ёққа кўп шошаверманг, уста ака. Ҳали қиласиз-ку?

Самаднинг кулимсираганини кўриб, уста ҳам жилмайди. Сўнгра яна кўзини юмди.

«Кўп бамаъни йигит. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин! Шу раис бўптики, колхознинг иши юришиб, турмуш пича тузалди. Ташвиши бошидан ортиб ётибди-ю, ҳар куни, жилла бўлмаса, кун ора бир келиб хабар олиб кетади...»

Уста ўз ўйлари билан бўлиб, кўзи илинганини пайқамай қолган экан, бир маҳал Абдуллажоннинг овози қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди.

Ўрнидан қўзғала бошлаганди, остоңда Абдуллажон кўринди.

Устанинг ўзидай, балки ундан ҳам оз-
фин, новча, шунчалик новчаки, яғриндор
бўлишига қарамасдан, хипча, ҳатто но-
зик кўринади. Калта қирқилган, аммо
қалин қора соқоли, учлари сағал олиф-
талик билан буралган мўйлови юзининг
чўзиқлигини билинтиrmайди.

— Уйғоқмисиз, дада? — овози бўғиқ;
аммо мулоийим.

Уста бошини қимирлатди. Абдулла-
жон четроқдаги стулни каравотнинг ёни-
га суриб ўтирди, энгашиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

— Худога шукур...

— Оғриқ босилай дедими?

— Оғриқ... — деди уста. — Шу гап ким-
га керак, болам?

Абдуллажон тирноқлари синиб, ёрилиб
кетган узун бармоқлари билан мўйлови-
нинг учини тўғрилаб, кулимсиради. Шун-
да худди раҳматли онасиникига ўхша-
ган қуралай кўзлари ҳам кулди-ю, чеҳ-
раси ёришиб кетгандай туюлди. Шу са-
бабданми, ё бошқами, уста унинг инҳоят-

да кўҳлик, хушбичим эканини, қирқдан ошганига қарамасдан ҳали жуда ёш кўринишини кўнглидан кечирди. Уста ўзи ҳам шундай бўлган — эллик ёшида уни ўттиз беш-қирқ яшар деб ҳисоблашарди.

Абдуллажон ҳисобот бера бошлади:

— Бугун, ниҳоят, бинонинг устини ёпиб бўлишди. Аммо, на шифр, на тунука то-пилмагани учун қора қоғоз билан ёпишди. Эртадан бошлаб, эҳтимол ганч сувоқ-қа киришсалар.

Бунинг ҳаммаси деярли маълум гаплар эди. Лекин уста одатда унинг бу гапларини зўр эътибор билан эшитар, маслаҳатлар берар, гоҳ койинса, гоҳ қувонарди. Бугун уста, гарчи Абдуллажонни ҳар кунгидай сабрсизлик билан кутган бўлса ҳам, унинг гапларига одатдагидай эътибор қилмас, гапидан ҳам кўра кўпроқ нигоҳини, худди кампирникига ўхшаш қуралай кўзларидаги илиқ майин табассумни кузатиш билан банд эди.

Улар йигирма беш йилдан бери ёнма-

ён меҳнат қиласилар, аммо уста шу бу-
гунгача унинг нақадар хушбичим, мўмин-
мулойим бир йигит бўлганини сезмабди!
Бирор марта унинг чеҳрасига суқланиб
қарамабди, ишидан, гап-сўзларидан мин-
натдор бўлиб: балли болам демабди!..

Йўқ, бу фикр ҳозир устанинг дилига
азоб бераетгани йўқ, у шунчаки, буни
пайқамаганига ажабланяпти, ҳатто бу
кашфиётидан қувоняпти...

Абдуллажон гапириб бўлдими, йўқ-
ми — уста буни англай олмай қолди: уй-
га катта келини Гулжаҳон кирди.

Уста унга кўзи тушган ҳамон қандай-
дир қимтиниб, безовталаниб қолди. У
бир ойдан бери ҳаммадан кўра шу ке-
линидан тортинар, ҳатто вижданан эзи-
ларди. Ёш аёл унинг қуриб-қовжираб
қолган суюкларини кўриб, таъби хира
бўлишидан қўрқар ва илόжи борича ун-
га гап қотмасликка ҳаракат қиласиди.
Буни Гулжаҳоннинг ўзи ҳам сезса керак,
эшикдан кирган жойда тўхтади: бўйи
новча бўлса ҳам, эрига ўхшаган яғрин-

дор, ҳатто қўллари ҳам Абдуллажоннинг қўлларидай катта-катта, меҳнатдан да-ғаллашиб, қотиб кетган. Фақат чакка суяклари туртиб чиққан озғин, юмалоқ юзи мулойим, аллақандай тиниқ, қўй кўзларидан меҳр ёғилиб турибди.

— Келди-кетди билан бўлиб, сизга қарай олмадим, тузукмисиз, дада? .

Уста сийрак, оппоқ қошларини чимиради, бошини чайқайди.

— Раҳмат, болам, ишингни қилавер, сенгаям қийин бўлди...

Гулжаҳон рўмолининг учини узун бармоқларига ўрайди, секин энтиқади.

— Менга нимага ҳам қийин бўларди, дадажон, ишқилиб, сиз... худо сизга шифо берсин....— у нажот сўраган назар билан Абдуллажонга қарайди:

— Ақалли бир-икки қошиқ ош ичинг, дада, қатиқлаб берай, мадад бўлади.

— Майли,— дейди уста,— кўп эмас...

Унинг овқатга тоби йўқ, аммо Гулжаҳоннинг кўнглини қолдиргиси келмайди...

Эр-хотин секин уйдан чиқишади.

Гулжаҳоннинг келин бўлиб тушганига йигирма йил бўлди. Аммо уста унинг лоақал бир кун тиниб-тинчиганини билмайди. Йигирма йилдан бери ҳам уйнинг, ҳам даланинг ишини ўтайди. Ҳар куни эрта наҳорда туриб, ярим кечада ётади. Кампир раҳматли кўзини юмибидики, бутун рўзғор, ҳатто Нодиржоннинг қизи ҳам унинг зиммасида. Шундай бўлса ҳам уста на бир марта унинг турмушдан нољтанини эшилди, на бирор муносабат билан қовоғини солганини кўрди. Аммо уста энди ўйлаб қараса, унга жабр бўлибди! Абдуллажонга айтиш керак: жонига ора кирсин, у ёқ-бу ёққа олиб борсин...

Уста Абдуллажон келтирган угра ошдан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди. Абдуллажон косани четга суриб, сўнгра қўлини устанинг қўлига қўйди.

— Нима бўляпти ўзи, дада? Шаҳардан тунов кунги докторни чақиртирасакмийкин?

Уста бошини чайқади.

— Бор,—деди у,—дамингни ол, бугун анча тузукман, дармоним йўқ, холос.

Йўқ, уста Абдуллажонни авраётгани йўқ, дард, оғриқ чиндан ҳам деярли тўхтаган, фақат беҳол эди.

Ниҳоят, у уйқуга кетган бўлса керак, туш кўрди. Гўё меҳмонхонанинг ёнида яна бир ҳужра қура бошлаган эмиш. Уни уста гўё кампир иккисига мўлжаллаган, қариган чоғимизда осойиштароқ кун кечирайлик, деб ўйлармиш. Шунинг учун ҳам кеча-ю кундуз ҳордиқсиз ишлар, ўзиям жуда чарчаган эмиш.

Бир маҳал қўлида тугун, ҳужрага кампир кириб келганмиш. Эгнида кўк кўйлак, бошида кўк рўмол, кўзларига ҳам ғалати кўк сурма қўйганмиш.

— Шу ҳужрага жуда шошилдингизда, дадаси,—дермиш у, бошини ғамгин чайқаб.—Олдин болаларни уй-жойлик қилиб, кўнглини олсангиз девдим.

Уста мўйловини силаб кулармиш:

— Қачонгача бола-чақани деймиз?
Ўзимизниям бир ўйлайлик-да. Сенга

яқинроқ бўлай деб қуряпман буни!

Уста бу гапни ҳазил қилиб, кўзларини
ғалати қисиб айтармиш. Шундан кейин
кампир ёшлигидаги истараси иссиққина
келинчак қиёфасига кирганмиш ва уста-
дан уялган бўлиб юзини ўгирармиш:

— Қўйинг, ҳар нимани галиравер-
манг,— дермиш у ва ташқарига шоши-
лармиш.

Уста уни тўхтатмоқчи бўлиб интилар-
мишу, аммо ўрнидан қўзғалолмас эмиш...
Уста уйғониб кетди.

Кун чиқмаган бўлса ҳам меҳмонхо-
на ёп-ёруғ, кўчадан подачининг: «Ҳей,
ҳайдай!» деган овози эшитилиб туради.

Устанинг нафаси бўғилган, дармонсиз-
ланган эди. У бир дақиқа қўй-қўзилар-
нинг маърашига қулоқ солиб тушини
ўйлаб ётди. Шу пайт рўпарадаги дера-
занинг орқасидан икки кишининг паст,
аммо асабий товуши қулоғига чалин-
ди.

— Сиз масалага тушунмадингиз!
«Нодир!»— хаёлидан ўтди устанинг.

— Ўзи тушунмайдиган гап бўляптида, ука, ахир кўриб турибсан-ку!

Бу Абдулла жоннинг овози эди.

— Кўриб турибман. Аммо сиз ҳам бир мулоҳаза қилиб кўринг, ахир: башарти шу сафар ёқлаб олмасам, олти-етти ойга сурилиб кетади бу савил!

— Сурилса нима бўпти? Дадамиз бу аҳволда ётганда...

— У киши яна бир йил шу кўйда ётишлари мумкин. Биламан бу дардни.

— Ҳар қанақа олим бўлсанг ҳам шу сафар пайғамбарлик қилма, ука.

— Майли!

Нодирнинг овози бирдан ўзгарди, худди кўнгли озор чеккан ёш боланинг овозидай титраб кетди...

Уста кўзини секин юмди... Қани энди бу овозни эшиитмаса, билагида қуввати бўлса-ю, тескари ўгирилиб ётса! Аммо ўгирилиш у ёқда турсин, қимир этишга мажоли йўқ, асабий овоз эса тобора баланд пардаларга кўтарилмоқда эди.

— Майли, танаси бошқа дард билмас,

деб бекор айтмабдилар. Аксинча, наҳотки, менинг бутун келажагим, ҳаёт-мамотим шунга, фақат шу нарсага боғлиқ эканини тушунмасаларинг? Бу ишнинг юзага чиқиши фақат мен учун эмас, ҳаммамиз учун катта бир обрў бўлишини айтмай қўя қолай (бунга барибир тушунмайсиз!), пул деган савил ҳам бир неча марта ошади-ку: ошса зарар бўлмас дейман? Сизларгаям нафимиз тегармиди дейман?

— Раҳмат. Шу кунимиэга ҳам шукур.
— Ана! Тағин пичинг отадилар.
— Ҳўп,— тўсатдан Абдуллажон бўғиқ йўталди.— Аммо шуни билиб қўйгинки... ўзинг уятга қоласан,— деди у,— одамларнинг гап-сўзи...

— Мен мешчанлик ботқоғига ботиб қолган чиркин одамларнинг гап-сўзини сариқ чақага ҳам олмайман, ҳа!

Бир дақиқа ғалати жимлик чўкди, сўнгра Абдуллажон:

— Шунақами?— деди секин.— Майли бўлмаса, ўзинг биласан...

Овозлар тинди, вазмин қадамларнинг «гурс-гурс»и эшитилди...

Устанинг кўзи секин очилди. Назарида, ҳамма ёқ сув қўйгандай жимжит, ҳовлида тирик бир жон қолмаган эди.

«Нодирмиди у, ё уста янглишдими? Наҳот Нодир, унинг кенжатойи, эркаси, фахри Нодир шу гапларни айтса?..»

Уста нимадир томоғидан қаттиқ бўғанини, икки томчи илиқ кўз ёши чуқур ботган ёноқларига юмалаб тушиб, соқолига сингиб кетганини ҳис этди...

«Бу... сенга нима бўлди, қария?» — деди уста, лекин худди шу саволни кутуб тургандай, кўз ёшлари соқолига оқиб туша бошлади. Назарида, бошига оғир мушкул тушган маҳалда ҳам бунчалик эзилмаган, хўрланмагандай эди. У умрида биринчи марта шундай йиғлаши эди, айни маҳалда кўз ёши оғриган кўнгилга тасалли беришини ҳам биринчи дафъя ҳис қилиши эди...

Ҳар ҳолда бир оздан кейин Абдулла-жон секин кириб келганида, уста уни

одатдаги қиёфада қарши олди, сўнгра ишга боришга ижозат этди-да, Нодирни чақириб юборишини илтимос қилди.

Абдуллажон бир дақиқа қошларини чимириб, савол назари билан тикилиб қолди, кейин индамай чиқиб кетди-да, хисёл ўтмасдан Нодирни бошлаб кирди.

Нодирнинг эгнида ипак пижама, оғифида ўша шиппак, фақат кечаси яхши ухламаганми, ё кечқурун ичкилик қилишганми, ишқилиб, қовоқлари шишинқираған, кўзлари ҳам кичрайганга ўхшар, ранг-рўйи ҳам қандайдир тунд эди.

— Қани, ўтири, ўтирларинг-чи,— деди уста,— бир оғиз гапим бор...

Нодир Абдуллажоннинг ёнидаги стулга ўтираркан, унга ер тагидан бир қараб қўйди.

Уста бир оз сукут сақлаб, ўзини босиб олди.

— Мен бугун анча тузукман,— деди у ниҳоят,— уйқум тинч бўлди, оғриқ ҳам қўйди ҳисоб... Сен долзарб маҳалда келганга ўхтайсан,— уста кўзларини секин



очиб, Нодирга тикилди. Нодирнинг узун, қийғир бурни бирдан ялтиллаб кетди, у шошиб рўмолчасини қидира бошлади.

— Йўқ, гап унда эмас...

— Мен... иккаловингдан ҳам розиман. Сен ҳам рози бўл, болам...— уста кўзини юмди. Уртага оғир сукут чўкди, сўнгра Нодирнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Иш бўлса, бир гап бўлар... Сиз бу аҳволда ётганда...

Уста кўзини қаттиқроқ юмди, ҳаво етишмаётгандай бўлиб, чуқур тин олди.

— Аҳволим... Аҳволимга нима бўпти?— деди у.— Бу дард ўзи шунаقا: бир йилга чўзилса ҳам ажаб эмас...

Нодир кўзларини отасининг юзидан узиб, очиқ деразадан боққа қаради.

«Бу бобой нима демоқчилар ўзи? Е унга пицинг отмаган энди шу киши қолганми?— Нодирнинг юзига қўйилган қирмизи бўёқ секин тарқади.— Ҳа, булар учун, бутун қишлоқ учун у катта олим, турмушда кам-қўсти йўқ. Мана тўрт йил бўлтики, бир кун тиниб-тинчимади. Кун-

дуз диссертация устида тер тўкса, кечалари чакана иш олди: мақолалар ёзди, кечки мактабларда дарс берди. Фақат тирикчилик тебратиш, инсонга ўхшаб кун кечириш учунгина қилди бу ишларни.

Рост, бобой ҳам ёрдамлашиб турди унга. Буни Нодир инкор этмайди, инкор этиш адолатдан эмасди, аммо унинг ёрдами Нодир учун, ёш сила учун мисоли дарёдан томчи эди, холос! Буни на ота тушунди, на ака, Нодир ўз ёғида ўзи қовурилди. Ниҳоят иши юришиб, эртаниндин ёқлаб, мен ҳам ёруғлика чиқаман деб турганида бундай бўлди!..

Албатта, бобой жўрттага касал бўлгани йўқ. Лекин...

Майли, нима дейишса ҳам ихтиёр ўзларида. Фақат... кўнглида уйғонган туғенга йўл бермаслик керак, холос. Жаҳл чиққанда ақл қочади дейдилар. Ивдамай енгиш керак буларни!»

Уста бошини секин ирғатди:

— Бас. Гап шу. Рози бўл, болам! — деди у эшитилар-эшитилмас, кейин бо-

шини қуи солиб ўтирган Абдуллажонга юзланди:

— Келинга айт, мевинг яктағим билан ҳассамни берсин...

Уста бир неча дақиқа кўзларини юмиб қимир этмай ётди: у Нодир чиқиб кетишиниям-кетмаслигиниям билмай ўтирганини сезди, аммо чурқ этмади, зотан чурқ этишга мажоли ҳам йўқ, дилида уйғонган зўр ғалаён билан олишмоқда эди.

Ниҳоят Абдуллажон, унинг кетидан Нодир ҳам қўзғалди.

— Майли, ишқилиб, омон бўл! — деди уста энтикиб.

Бир оздан кейин «шил-шип» этган овоз эшишилди. Уста Гулжаҳонмикин деб ўйлади, бироқ оёқ товуши ниҳоятда енгил эди. Шу пайт кўзи яктағини стул суюнчиғига илаётган қўлларга тушди: бу қўллар, тилла занжир чуқур ботган юм-юмалоқ билаклар оппоқ пуфакка ўхшарди.

Уста кўзини юмди. У ўрнидан туришга аҳд қилганди. Туришга мадори етармикин? Аммо турмаса Нодир кетмайди,

негаки, боя уста қанча уринмасин, гапи хиёл илмоқли чиқди чамаси, довдираб қолди.

Довдирамасин! Иши шунчалик зарур экан, бораверсин. Унинг тобути устида бир одам ортиқ бўлди нима-ю, кам бўлди нима?

Уста оёқларини қимирлатиб кўрди, худди чўян! Гўё белидан юқори томонида жон бору, пастида жон йўқ!

Аммэ туради, чўян тугул симобдан ясалган бўлса ҳам туради у.

Уста қўлларига бутун кучини тўплаб, тирсакларини каравотнинг четларига тиради, сўнгра тишини тишига қўйиб, қаддини тутиб ўтирди. Нафасини ростлагач, чойшабни очиб, оёқларига қаради, қарди-ю, кўзларида илиқ табассум пайдо бўлди: ахир, наҳотки, унинг оёқлари шунчалик узун, бесўнақай, хунук бўлса-ю, у ҳеч қачон буни сеzmаган бўлса!

Ниҳоят, уста қўлларини каравотга тираб секин тура бошлади, аммо энди қаддини ростлаб олганида, тўсатдан, кеча-

дан бери тинчиб қолган типратикан на-
зарида уйғониб кетди-ю, бир ағдарилди.

Уста күэларини юмганича қотиб қол-
ди. Хайрият, типратикан фақат бир ағ-
наб тинчиди...

Эгнида узун яктак, қўлида ҳасса —
уста тўсатдан ҳовлида пайдо бўлганида
ҳамма, ҳатто ёш болалар ҳам бирдан
жим бўлиб қолишди.

Уста ҳассага суюнганича кўзларини
юмиб айвонда анча турди.

Ҳовли гарчанд қуюқ сояга чўмган бўл-
са ҳам жуда ёруғ кўринди унга. Дарахт
япроқлари, гўё гард юқмагандай тиниқ,
ям-яшил эди. Айвоннинг олдидаги, сўри-
нинг теварагидаги ҳар бири пиёладай
атиргуллар эса шундай очиқ қизил
рангга бўялган, хинолар шундай нафис
пушти рангга чўмилган эдики, дилини
равшан қилиб юборди унинг!

Ҳаммадан олдин болалар шов-шув кў-
таришиди. Улар еб ўтирган қаймоқлари-
ни ташлаб чопиб келишди. Фируза уста-
нинг оёғини қучоқлаб, тиззасига юзини

ишқалади. Ошхонадан икки коса овқат кўтариб чиққан Гулжаҳон, севинганидан овқатни қаёққа қўйишини билмасдан қолди.

— Вой ўлмасам, нима бўлди, дадажон, ё ҳовлига жой солиб берайми?— деди у устага гирдикапалак бўлиб.

Ниҳоят, сўрида кичик келин билан ноңушта қилиб ўтирган Нодир ҳам етиб келди:

— Ие, бу қандоқ бўлди, бобой? Туриш ман қилинган эди-ку, сизга?

— Сен қачон кетмоқчисан?— деди уста унинг сўзини бўлиб.

Нодир елкасини қисди, ўнғайсизлангандай жилмайди.

— Билмадим энди, сиз бу аҳволда...

— Аҳволимга нима бўлти? Айтдим-ку, тузукман деб! Мана... Шифохонага боряпман... бир хабар олиб келмоқчиман...

Нодир яна ўнғайсизланиб кулимсиради.

— Қайдам. Боя рансдан машина сўрагандик. Аммо, тўғрисини айтинг: ма-

бодо ҳалигидақа... Сиз турганда ҳар қанақа иш бўлсаям!..

Нодир сўзидан адашиб, дудуқланиб қолди. Уста секин ерга қаради:

«Машина сўраб қўйиб тағин бу гапни айтасанми, болам?»

— Хўп, мен кетдим, мендан хавотир олма,— деди уста.— Кўриб турибсан, тузалиб қолдим.

У бошини кўтарди, назарида, тўсатдан иликларига қандайдир бир куч қуилиби келгандай, ҳатто чўяндай оёқлари ҳам енгиллашгандай туюлди унга.

Қуёш терак бўйи кўтарилган бўлса ҳам кўча салқин, деворлардан осилиб тушиб, чирмашиб кетган олча ва гилослар ажойиб бир чодир ҳосил қилган.

Олчалар териб олинган, ўриклар ҳам хазон бўлган, фақат чанг япроқлар орасида чуғурчиқ чўқиган ва туршак бўлиб қорайиб қолган мевалар кўзга чалинади.

Уста гузарга буриладиган жойга етганида, чап қўлдаги боғ эшикдан катта саватда олма кўтарган бир кампир чиқди.

Устани кўрди-ю, саватини ерга қўйиб
йиглаб юборди:

— Вой, айланай, уста акажон, тузалиб кетдингизми?

Уста аёлнинг ажин босган озгин, қорамағиз юзига, ёш билан пардалангандан нурсиз кўзларига хиёл тикилиб турди-ю, тўсатдан, уруш тамом бўлган йили кузда, биринчи ёмғирдан кейин бу жувон эрталаб унинг олдига йиглаб келганини, ёмғирда уйининг бир томон девори қулаб тушиб, тўрт боласи билан кўчада қолганини гапириб бергани эсига тушди.

Уста ўшанда, гарчи совуқ тушган бўлса ҳам, пахса девор олиб уйини тузатган, томини ҳам суваб берганди.

«Ўшанда хўп бамаъни иш бўлган экан, савоб иш...»— ўйлади уста, аёлнинг фронтда дом-дараксиз кетган эри ҳам ёдига тушиб...

Шу бўлди-ю, уста йўл-йўлакай ўзи қурган уйларни кўздан кечириб кетди. Санаб қараса, гузарга етгунча ўн олтига уйни ўз қўли билан қурган экан.

Бу уйлар сал илгарироқ солинган бўлиб, кўпчилиги қамиш билан ёпилган, аммо шундай бўлса ҳам мустаҳкам, яна юз йил турадиган, ихчам, хушбичим бинолар эди! Ҳозир одамлар қамишни менсимай қўйишиди, томини шифр, ҳатто тунука билан ёпишади, элликдан ортиқ хонадон шунаقا янги уйларга кўчиб ўтишиди. Бу уйларни ҳам, ярмини деса лоф урган бўлар, учдан бирини Абдуллахон билан бирга уста қурган!

Ҳа, уста қурилишни севарди! Бундан беш йил муқаддам бир кунда бещ минг ғишт терган пайтлари бўлган!.. Гоҳо йигитлардан иккитаси унга ғишт ташлаб еткиза олмас, уста эса уларни шундоқ илиб оларди-ю, териб кетаверарди. Ғиши ҳам айни кўзлаган жойига бориб тушаверар, унинг бу ишини томоша қилгани манман деган усталар келишарди...

Гузардаги анҳорнинг бўйнда, мажнунтоллар орасига яширинган шинамгина чойхонадан йигитларнинг хушчақчақ қаҳқаҳаси эшитиларди. Улар устани

узоқдан кўриб қолиб, «гур» қўзғалиб, пешвоз чиқиши. Таниш чойхоначи, шошганидан бўлса керак, чойнагини ҳам қўймасдан югуриб келди.

— Эвой, уста акамларми? Бормисиз? *✓*
Балли сизга, балли!..

Уста бутун оғирлигини ҳассага ташлаб мажнунтолнинг тагида (бу толнинг соясида не-не гулгун сұхбатлар ўтганди) бир нафас турди, кўнгли, бутун вужуди билан сўрига ёнбошлаб дам олгиси кела-ди, лекин ўтирса қайта тура олармикин, туришга мадори етармикин?

— Раҳмат!— уста бошини чайқади.—
Мен шифохонани бир кўрай девдим...

Қурилаётган шифохона гузардан атиги юз эллик қадам нарида эди. Бу масофа устага Маккадан ҳам узоқ туюлди. Аммо кўча юзида қад кўтарган баланд пештоқли бинога кўзи тушиши билан бу чарчоқнинг ҳиссаси чиқиб кетди!

Шифохонанинг лойиҳасини уста ўзи чизганди. Бошда шаҳардан келган лойиҳа бўйича хоналарнинг ҳаммаси қуёшга

тескари эди, сабаби — бетоблар учун соя-
салқин лозим әмиш! Бўлмаган гап! Ав-
валамбор, оламда тирик бир жон йўқки,
унга офтоб ёқмаса, қолаверса, дард де-
ган нарса кўпроқ қари-қуриларга ёпи-
шади, қари одамга эса, дори-дармондан
кўра ҳам кўпроқ иссиқ керак!

Ҳа, уста лойиҳани тузатиб тўғри қил-
ган экан. Шифохона жуда серқүёш, их-
чам бир бино бўлибди! Лекин устани бир
нарса салгина ранжитди: қурилиш туга-
ган бўлса ҳам, атроф ахлатга тўлиб
ётарди!

Уста буни Абдуллажонга айтишга аҳд
қилди, аммо кириб бориши билан қури-
лишда шундай шов-шув кўтарилдики,
уста ўйлаган гапларини ҳам унуди.

Илк таажжуб ва шодлик хиёл боси-
либ, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан
кейин, уста ичкарига кирди. Одамлар-
нинг самимий қувончи сабаб бўлдими, ё
бинони кўриб кўнгли кўтарилиб кетди-
ми, ишқилиб, чарзоқ тарқаб оёқларига
қувват киргандай туюлди-ю, хоналарни

битта-битта айланиб чиқди. Иш ке-
ча Абдуллахон айтгандек борар — ҳам-
ма хоналар сомон сувоқдан чиқарилиб,
ганч сувоққа киришилган эди.

Сомон сувоқ чакки бўлмаган: фақат
бир-икки хонанинг бурчаклари нотекис-
роқ чиққанди. Бунинг сабаби — газчўп
ишлатишни яхши билмасликда эди. Уста
буни айтмоқчи ҳам бўлди-ю, кейин бу
ўйидан қайтди, чунки, нотекис жойларни
ганч сувоқда тўғрилаб юбориш қийин
эмас эди, қолаверса, уста умуман камчи-
лик қидиришни ёқтирмас, буни «қарилик
касали» деб биларди.

Уста хоналарни айланиб бўлиб, таш-
қарига чиққач, ҳамма унга жимгина ти-
килиб қолганини кўриб, шогирди Кемил-
жонга юзланди:

— Раҳмат! — деди секин, сўнгра чуқур
нафас олиб қўшимча қилди: — Кўп яхши
иш бўпти, балли, азаматларим!

Уста азалдан шогирдларини кўп мақ-
тамас, мақтагиси Келганд: «Балли, аза-
матлар!» деб қўярди. Аммо бу икки оғиз

сўэ шогирдларига гўё қанот боғларди. Бу сафар ҳеч ким чурқ этмади. Уста одамларнинг юзига яна бир қаради-ю, дарҳол тушунди: афтидан, унинг аҳволи яна ҳам оғирлашганга ўхшайди...

— Машина чақиртирайми, дада? — деди Абдуллажон. Уста бошини чайқади.

— Йўқ, асло!

— Бўлмаса ўтиринг, бир оз дамингизни олинг, устоз.

Бу гапни Комилжон айтди, аммо уста яна бошини чайқади.

— Йўқ, ўзим аста-аста... — деди у, кейин атрофини ўраб олган одамларга тикилди.

— Мен розиман, чироқларим,—уста энтикди.—Рози бўлинглар...

— Розимиз, минг марта розимиз, устоз...

Бурилаётуб, бир неча киши ганч юқи қўллари билан кўзларини артаетганларини кўриб қолди. Абдуллажон билан Комилжон орқасидан баравар эргашганларини сезиб, тўхтади:

— Хотиржам ишлайверинглар, мен ўзим аста-секин етиб оламан...

...Уста ҳовлига етганида, ҳолдан тойған, зўрға туради. Эшик олдида раиснинг «Волга»си кўринар, афтидан, Нодирлар жўнаб кетаётган бўлса керак, қўни-қўшни, хотин-халаж йигилган эди.

Уста етиб борганида, ичкаридан нимагадир қизариб кулган келини билан Нодир, уларнинг кетидан катта тугун кўтарган Гулжаҳон чиқди.

Устани кўриб, ҳамма, ҳатто «Волга» теварагида қий-чув қилишаётган болалар ҳам бирдан жимиб қолишли.

Нодир «бобой» юзма-юз келишини кутмаган эканми, уни кўриб довдираб қолди.

— Қалай, бобой... чарчаганга ўхшайсизми?

Тўладан келган қип-қизил юзини тер босиб, чуқур ботган кўзларида изтиробга ўхшаш бир ифода жилва қилди.

Йўқ, устанинг ундан ранжиши адолатдан эмас! У ҳам одам! Афтидан, у ёқда-

ги иш ниҳоятда зарур бўлса керакки,
ўзиям хижолат чекяпти!

— Ҳа, чарчадим... Чарчадим, холос.—
Уста четроқда турган ва энди қандайдир
жимиб, бошини эгиб қолган келинга бир
қараб қўйди.— Ҳайр, омон бўл, болам,
омон бўлинглар...

Ҳовлиниңг сатҳи кўчага қараганда бир
оз баланд. Ишқилиб, йиқилиб тушмаса
бўлгани. Йўқ, хайрнят йиқилмади. Мана
сўри. Яна олти-етти қадам босса — ай-
вон. Устунга суюниб хиёл дам олиш мум-
кин... Ажабо: худди оёқлари йўққа ўх-
шайди. Аммо, оёқлари бўлмаса ҳам бо-
сиб ўтади шу масофани! Ҳеч кимниңг
ёрдамисиз, фақат ҳассага таяниб ўтади
бу масофани!

Ҳа, ҳаракатда баракат деб бежиз айт-
маганлар! Мана, уста каравотининг ол-
дидда турибди. Барака толкур Гулжаҳон
тўшагини янгилаб, ёстиқларини тўғри-
лаб қўйибди.

Уста бир амаллаб яктагини ечди, ҳас-
сасини четга суюб қўйди. Сўнгра, худди

жазирама ёз куни сувга шўнғиган одамдай роҳат билан, бўлакча бир лаззат билан тўшакка секин чўзилди...

...У вақт ҳисобини билмай қолди, бир ўйида кўзи илингандай, бир ўйида ҳушидан кетгандай туюлди унга, ўзига келиб кўзини очганда эса, назарида, қўл-оёғидан айрилгандай эди! У тўсатдан умри тугаганини, эҳтимол, шу кечадан ўтмаслигини, балки ундан ҳам олдин жон таслим қилишини тушунди. Аммо бу фикр унинг дилида на қўрқув, на бир афсус уйғотди! Аксинча, кўнгли осойишта, дили равшан эди. Унинг қалбидаги бу туйғу кун бўйи қаттиқ ишлаган ва ўз ишидан мамнун бўлган одамнинг уйқуга кетиш олдида ҳис этадиган кечирмаларига ўхшаб кетарди...

Хаёли худди қўқон араванинг ғилди-рагидай вазмин ва секин айланарди: ҳа, у энди кампирнинг қошига боради! Уста унинг қабри ёнидан аллақачон ўзига жой танлаб қўйған...

Бу ўй, кампирнинг ёнига бориш фикри,

кўнглига бўлакча ором бергани учунми, уста бу ҳақда узоқ ўйлади, сўнgra, ўзи-ям сезмасдан хаёли яна қурилишга кетди...

У эсини танибдики, усталик қиласди. Аммо ҳеч қачон, ҳатто донғи узоқларга кетганда ҳам нафсга берилган эмас, бир кунлик иш ҳақини эски пул ҳисобида етмиш беш, янги пул ҳисобида етти сўм эллик тийиндан оширмади. Ҳатто турмуш анча яхшиланиб, қурилиш авж олиб, номига устаман деб юрган одамлар кунига юз-юз эллик сўмга чиққан маҳалда ҳам уста ўз аҳдидан қайтмаган, фақат ўзи эмас, Абдуллажон, ҳатто шогирдларининг нархини ҳам шундан оширмаган эди!

Бунинг учун кўплар устани «ғалати одам»га чиқаришган, аммо уста ўз йўлидан сира қайтмаганди. Негаки, у бир нарсага амин эди: бурунги замонда, энг яхши устанинг нархи бир пуд буғдойдан ошмас эди, ҳозир етти ярим сўмга қанча буғдой беради — тўрт ярим пудми?

Ҳа, балли, инсоф қани, азизим?— дерди
уста ўзича...

Ҳа, уста буни жуда тўғри қилган экан,
мана, ўлим тўшагида ётиб биляпти —
жуда тўғри қилган экан...

Уста ўз хаёллари билан банд бўлиб,
унча пайқамаган бўлса керак, кеч кир-
ганини Абдуллажон кириб келганидаги-
на билди.

Устанинг унга кўзи тушди-ю, назаридা,
ичига яна чироқ ёқилгандай бўлиб, дили
ёришиб кетди! Ҳа, Абдуллажон унинг
ўзига ўхшайди, худди ўзгинаси!..

Абдуллажон стулни суриб ўтирди-да,
одатдагидай эгилиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

Уста бошини қимирлатди, ўзича жил-
майган бўлди: «Раҳмат, болам, тузук-
ман...» Сўнгра:

— Болаларни олиб кир, кўрай,— деди
секин.

— Дада,— деди Абдуллажон. Бироқ
кўзи отасининг кўзи билан учрашди-ю,
инدامай чиқиб кетди.

Бир оздан кейин Фирузани кўтариб қайтиб кирди, кетма-кет иккита ўғлини етаклаб олган Гулжаҳон кўринди. Унинг киприклари одасида дўланадай-дўланадай ёш томчиларини кўриб, устанинг кўнгли эриди:

«Умрингдан барака топ, болам!»— деди ўзича.

Уста невараларига бир нафасгина тикилиб ётди, кейин кўзи билан имо қилди: «Бўлди».

У невараларидан мамнун эди. Фақат бир нарсадан рози бўлмади: Нодирнинг қизи ниҳоятда озода кийинган, ўзиям Абдуллажоннинг тиззасидан тушмас, афтидан, жуда эркатой эди. Гулжаҳоннинг икки ўғли эса, юпунроқ кийинган, яланг оёқ, яланг бош эди.

Абдуллажон қайтиб киргач, уста ўзига имо қилди:

— Болалар...— деди энтикиб,— ҳаммасига бирдай қаранглар. Баравар кўринглар уларни... Уқдингми?

— Тушундим, дада.

— Кейин ҳалиги... Гулжаҳонни ҳам қадрини бил... Унга жабр.

Абдуллајон бошини эгиб маъқуллади.

— Домла келдилар, Азиз ака,— деди у,— кирсалар майлими?

— Майли.

Уста бу кекса ўқитувчини яхши кўрарди. У жуда содда, ниҳоятда оқ кўнгил бир одам эканини биларди.

Азиз домла кириб Абдуллајоннинг ўрнига ўтирди. Лабларини тез-тез артиб, устага энгашди.

— Қалай, тузукмисиз, уста ака?

Уста кўзлари билан ташаккур билдириди:— «раҳмат».

Домла бошини секин чайқади.

— Нодиржон... кетиб қолибди-да!— Унинг овози қалтираб кетди.

— Ҳа, кетди,— деди уста эшитилар-эшитилмас бир овозда. Уста бу сўзни астойдил, чин кўнгилдан айтди, аммо шундай бўлса ҳам, тўсатдан нимадир томоғини ғип бўғди-ю, кўзлари жиққа ёшга тўлди, сўнгра Азиз домла ҳам рўмолча

қидириб қолганини кўриб, ўзини босишга ҳаракат қилди:

— Майли, омон бўлсин...

Шу гапдан кейин уста, назарида, бир зум кўзи илиниб кетгандай туюлди. Кўзини очганида домланинг ўрнида Самад ўтирас, унинг ёнида соқолини тутамлаб Абдуллажон турарди.

Уста кўзини очганини кўриши билан Самад унга томон талпинди, қўлини қўлига қўйди:

— Сизга нима бўлди, уста ака?— деди у.— Мен правлениенинг қарорини олиб келдим. Шифохонани сизнинг номингизга қўядиган бўлдик. Тўйингизни қиласиз ҳали, қаёққа шошасиз, уста ака?..

«Номингизга қўйдик... Кимга керак бу?»

Уста Самаднинг кўзлари ялтиллаб кетганини кўриб бор кучини тўплади, ўнг қўлини кўтариб елкасига қўйди:

— Сен мени қўявер,— деди титроқ бир товушда.— Халқни ўйла, болам. Ёш бўлсанг ҳам шу халққа ота бўлдинг, халқни

ўйла. Бева-бечоралар бор, ўшаларни ўйла, болам, ўшаларни...

У ҳолдан кетиб, индамай қолди, ёнига тиз чўккан Абдуллажонга сўнг марта қаради:

«Раҳмат, болам, рози бўл!»— деди заиф овоз билан.

...Устани кампирнинг қабри ёнига, ўзи ҳаёт вақтида белгилаб қўйган жойга қўмдилар. Кўмиш маросимига бутун қишлоқ кўчиб чиқди, атроф қишлоқлардан ҳам жуда кўп одам келди, фақат бир киши— Нодир бўлмади.

Ташкент, 1962 йил.

А Я М А Ж У Э

Оқсоқ Темир тушдан кейин ҳамма мөхмөнлар тарқаб бўлганда келди. Мен уни кўриб ҳайратда қолдим. Ў, илгари мактабда ўқиб юрган чоғларимизда ҳам жуда забардаст, келишган ўспирин эди, энди ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб шундай кучга тўлибди, ўзиям қош-қовоғи солиниб, соchlари пахмоқ бўлиб шундай ғалати қиёфага кирибдики, бир қарашда худди кучи танасига сиғмаган ёш буқанинг ўзгинаси дейсиз-кўяси.

«Оқсоқ Темир» лақабини унга оқсоқлиги учунгина эмас, ўта қитмирлиги учун ҳам тақишган эдилар. Ў, айниқса, ўзидан кичикроқ болаларга тегажаклик қилишни яхши кўрар, текканга тегиб тегмаган-

га кесак отар, аммо кимки унинг қилмишига яраша жавоб қайтармоқчи бўлса, аямасдан уради.

Мен бу одатлари қолгандир деб ўйла-
гандим, йўқ, қолмабди. Дастурхон усти-
да чорак соат ўтириб-ўтирмади ҳамки,
бир-икки марта менга ҳам илмоқ таш-
лаб кўрди.

Бир сафар гимнастёркамдаги «Отлич-
ник-артиллерист» деган значотимга имо
қилиб:

— Бу қайси орден экан? — деди чап
кўзини қисиб (бу одати учун ёшлигида
«Кўр Шермат» деган яна бир лақаб орт-
тирган эди). — «Жанговар Қизил Байроқ
ордени» деганлари шу эмасми?

Беихтиёр илжайдим:

— Бундан чиқдики, кўздан қолибди-
ларда Шерматбой?

Оқсоқ Темир менга қўшилиб кулди,
аммо «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас»
деганлари рост бўлса керак, хиёл ўтмас-
дан яна пичинг отди:

— Бу дейман... ўзларини генерал бўл-

ғанмиш деб эши тувидик, бу қандоқ бўлди?— деди елкамдаги старшиналик погонимга имо қилиб.— Участкавойнинг поғонига ўхшайди-ку, оғайни, ё артиллериядининг генерали шунаقا бўладими?

— Генерал эмасману, аммо шу туришимдаям қўлимга тушганингда борми — кўзингни мошдек очиб қўярдим!

Оқсоқ Темир чап 'кўзини қисди:— О, тилинг чиқиб қопти-ю!

Кетаётуб:

— Янги клуб қурилган, эши тгандирсан?— деди.

— Эши тдим. Жуда зўр дейишадими?

— Во!— у тирноқлари синиб, майишиб кетган йўғон бош бармоғини кўрсатди.— Кечқурун бор, камина ўшатнинг каттакони бўладилар!

— Қанақа каттакон?— тушумадим мен.

— Қанақа бўларди, бошлиқ-да, жирттаки!— деди у.— Русчасига начальник!

— Сен-а?

Бу хитобим Оқсоқ Темирга унча хуш

ёқмади шекилли, қисиқ кўзларидаги шўх табассум сўниб, ўсиқ қошлари туташди, бурун катаклари керилди.

— Ҳа, эплай олмайди демоқчимисан? Олдин бир бориб кўр, жирттаки, киномеханикликка ўқиб келдик. Киноним ўзимиз қойил қиласмиш. Ҳа.

Мен унинг ёшлигида кино деса жонини беришини эсладим.

— Гап шу!— деди Оқсоқ Темир кетаётуб, аммо уч-тўрт қадам юргач, яна тўхтади.

— Ҳа, айтмоқчи, ҳалиги... Зоҳидахон эсларидами?

Юрагим «жиз» этди:

— Қайси Зоҳидахон?

— Ие, унудиларми... ишқида мажнун бўлиб, тарки дунё қилмоқчи бўлганлари?

Талвасага тушганимни билдирамаслик учун:

— Ҳаа...— дедим кулиб.

Оқсоқ Темир бошини эгиб, соchlарининг орасини очиб кўрсатди.

— Мана, ўшани деб юлиб олганлари зсларидами? Ҳалиям соч чиқмади.

У чап кўзини қисиб хурсанд кулди:

— Уша жонон каминанинг қўли остида кутубхонада ишляяптилар. Бор, бир кўриб қўясан. Ҳозир илгаригидаقا эмас, эри хумпар сўриб ташлагану, аммо ўшандаям унча-мунча қизларнинг ўнтасини йўлда қолдиради!..

У билинар-билинмас оқсоқланганича кўчага йўл олди, мен ўрикка суюнганимча ўйланиб қолдим.

Унинг гаплари хаёлимнинг бир четида кўмилиб ётган бир эсдаликни уйғотиб юборганди.

Тўққизинчида ўқиб юрганимизда, тўғрироғи, ўқиш йили энди бошланганда, синфимиизда бир қиз пайдо бўлди. У ўзбек бўлса ҳам кўзлари кўм-кўк ва тиник эди. Ўзиям малла ранг кофта билан белини жуда хипча қилиб кўрсатадиган кўк юбка кийган, бу ҳам уни бошқа қишлоқ қизларидан ажратиб туарди. Ниҳоят, бунга лабларидан сира аримайдиган илиқ

табассуми, оёқларининг узун ва чиройли-литигини кўз-кўз қилган қошиқдеккина туфлиси, бир ўрим йўғон, тилла ранг сочларига боғлаб қўйилган қизил лентаси... ҳаммаси қўшилди-ю, бир-икки кунда бутун синф, синфгина эмас, бутун мактаб ўслириналари унга ошиқу беқарор бўлдик-қолдик.

Ҳаммамиз унинг атрофида парвона бўлар, бир-бirimizдан ошириб хушомад-гўйлик қиласардик. Мен у маҳалда юлдузим иссиқ эканманми, ё менинг муносабатим Зоҳидага хуш ёқиб тушдими, ишқилиб, бир ҳафта ўтар-ўтмас у ҳам менга бошқача қарай бошлади. Мен унинг ёнимга келганида, ё бир нима сўраб мурожаат қилганида аллақандай қимтиниб, лўппи юзлари гул-тул ёниб кетишини пайқаб қолдим.

Бу ўртада драмкружогимиз «Оташ қалблар» деган бир пьесани (ҳозир автори эсимда ҳам йўқ) қўядиган бўлиб қолди-ю, баҳтимга бош ролларни Зоҳида иккимизга топширишди.

Шу бўлди-ю, бутун борлиғимни нурга кўмиб юборган бир алғов-далғов орасида қолдим.

Ҳозир бу воқеанинг содир бўлганига беш-олти йилдан ошиб кетди. Кўп нарса, ҳатто Зоҳида ҳам эсимдан чиқди, эсимга тушган чоғларида эса кулиб қарайдиган бўлдим. Аммо ҳозир бу воқеалар қанчалик кулгили кўринмасин, ўша маҳалда унинг ишқида кечалари мижжа қоқмай чеккан изтиробларим, ҳазин-ғамгин шеърлар ёзганим, ажабо — бунинг ҳаммаси ҳақиқат эди!

Балки, бурунгилар айтгандай, юлдузим юлдузига тўғри келиб қолгани учундир, балки у ҳам кўнгли муҳаббат қўмсайдиган бир даврни бошидан кечираётгани учундир ишқилиб, биз жуда тез топишдик, бир кун кўришмасак туролмайдиган бўлиб қолдик. Деярли ҳар куни ўқишдан кейин драмкружокда репетиция бўларди, аммо биз аксарият пайтлар репетициядан кейин ҳам уйга кетмасдан, дарс тайёрлаш баҳонасида кутубхонада ўтириб

олар, аслида қоронғи түшишини кутардик. Қоронғи түшгандан кейин эса сокин, кимсасиз күчалардан ҳуркиб, яшириниб, қўл ушлашиб уйга кетардик.

Мен ҳали Зоҳидага муҳаббат изҳор этмагандим, афтидан, бунинг ҳожатиям йўқ эди, чунки у ҳам мени яхши кўриб қолгани ҳар бир сўзидан, муомаласидан, биз учрашган маҳалда тиниқ мовий кўзлари бирдан порлаб, ўзиям аллақандай яйрабяшнаб кетишиданоқ билиниб турарди. Лекин мен муҳаббат изҳор қилишга қаттиқ аҳд қилиб қўйгандим, бунга астойдил тайёрланар, шеърлар ёзардим.

Бир кун мактабдан одатдагидан кечроқ чиқдик. Уша куни репетиция вақтида пъесада айтилгандай Зоҳидани ҳазиллашиб ўпид олишим керак эди, лекин у негадир, эҳтимол залда бизни кузатиб ўтирганлари учундир, лаби тугул қўлидан ҳам ўптирумади. Бу нарса менинг иззат-нафсимга тегиб кетган эканми, ё муҳаббат изҳор қилиш чоғи келди деб ўйлабманми, ишқилиб, кутубхонадан чиққач, мен уни

арық бўйидаги мажнунтоллар орасига тортдим.

Зоҳида.

— Вой, нима қиляпсан?— деди чўчиб, лекин қаршилик кўрсатмади.

Биз қоронғиликда юзма-юз турардик, унинг иссиқ, майин нафаси юзимга ўтдай урилди.

— Зоҳида, менга қара, нега ундаи қилдинг?— дедим қўлларини сиқиб.

— Вой, нима қилдим?— деди Зоҳида ва қўлларини чиқариб олишга ҳаракат қилди, лекин мен уни қаттиқ қучоқлаб ўзимга тортдим, иссиқ лабларидан, майин лўппи юзларидан ўла бошладим. Зоҳида талпинди, бироқ, мен қўйиб юбормадим.

— Зоҳида, жоним, жонгинам!— дедим титраб...

Бир ойдан бери ёзиб юрган шеърларим, ўйлаб қўйган оташ сўзларим — ҳаммаси эсимдан чиққан, иккимиз ҳам титрар, ёнар эдик.

Мен унга нималар деганим эсимда

йўқ, фақат «Ишқингда Мажнун бўлдим, жонгинам. Умрбод қулинг бўлай», деган сўзларни такрор-такрор айтганим эсимда, тўсатдан, ариқ бўйида кимнингдир қаҳ-қаҳ уриб кулгани эшитилди.

— О, иссиқ қучоқлар, ширин бўсалар!

Зоҳида ўзини қоронғиликка урди, ни-магадир қоқилиб қулади. Мен ҳам унинг кетидан отилдиму, кўлмак сувга ағнаб тушдим. Кўлларим шилиниб, кийим-бо-шим жиққа сув бўлиб кўчага чиққанимда, Зоҳиданинг қораси ҳам кўринмас эди. Уша оқшом бошимдан кечирганларимни, яrim кечагача Зоҳиданинг эшигида ту-риб уни кутганларимни айтмай қўя қолай, чунки эртасига кўтарилган шов-шув олдида бунинг ҳаммаси ип эшолмай қолди.

Мен эртасига Зоҳида мактабга келмас-микин деб қўрққандим, ҳатто кечаси ўзи-ни бир бало қилиб қўймаса деган хаво-тирга ҳам боргандим, йўқ, эрталаб дарс бошланишига озгина қолганда секин ки-риб келди.

У ёнимдан ерга қараб ўтиб кетди, мен фақат унинг кўм-кўк кўзларида аллақандай тараддуд аралаш қўрқув ифодасини кўриб қолдим, холос.

Биринчи соат тинч-осойишта ўтди. Кўнглим хиёл жойига тушди: «Кечаси усти-миздан кулган одам бизни танимаган бўлса керак» деб ўйлаган эдим. Аммо танаффусга қўнгироқ чалиниб, ўқитувчи чиқиши билан эшикда... Оқсоқ Темир пайдо бўлди. (У 9-«Б» да ўқирди.) Унга кўзим тушди-ю, юрагим «шиғ» этиб орқага тортиб кетди. У чап кўзини қисиб, айёrona кулимсираб турарди.

— Ўртоқлар! — деди у қўлини кўтариб.— Камина кечаси ажойиб шоирона бир воқеанинг шоҳиди бўлдилар... Жим! Ҳозир тушунтириб бераман...

У ғалати кулимсираганича тўсатдан ранги оппоқ оқариб кетган Зоҳиданинг олдига бориб тиз чўкди-ю, қўлларини чўзди:

— О, менинг мислсиз фариштам! Сенинг фироқингда куйиб қўксим кул бўл-

ди. О, менинг Лайлом! Нафис оёқларинг-
ни ўпиб илтижо қиласман: битта бўса,
фақат битта бўса...

У гапини тугатолмади. Зоҳида тўсат-
дан «қарс» этказиб юзига битта шапати
урди, урди-ю, ўзини партага ташлаб,
хўнграб йиғлаб юборди.

— Ҳо!— деди Оқсоқ Темир ўрнидан
туаркан.— Алам қилса мажнунтоллар
қўйнида ўшишманг, яхши қиз!

Бу сафар мен ташландим. Афтидан,
унга кучим етмаслигини сезсан керак,
сочига чанг солдим.

Қизишиб кетганимдан, оқсоқ Темир-
нинг урганини ҳам сезмабман, ҳатто қор-
нимга тепса ҳам сочларини қўйиб юбор-
мабман.

Бир маҳал синфда кўтарилган шовқия-
сурон орасидан Зоҳидавинг отаси — ма-
тематика ўқитувчимизнинг ўқтам овози
қулогимга чалинди:

— Бу қанақа бевошлик? Қанақа тўпо-
лон ўзи?

Кўзимни очиб қарасам, қўлимда Оқ-

соқ Темирнинг бир тутам сочи, у ҳам пешанасидан оққан қонини юзига чаплаб турарди.

— Мана шу,— деди юзи буришиб,— кечаси... ана у толлар орасида қизингиз билан ўпишиб турганларини айтувдим...

— Ёлғон!— партани қучоқлаб йиғла-ётган Зоҳида салчиб турди. Еш тўла кўзлари ялтиллаб яна бир марта:

— Ёлғон!— деб қичқирди-ю, ўзини эшикка отди.

Синф бирдан сув қўйгандай жимиб қолди. Зоҳиданинг отаси бир менга, бир Оқсоқ Темирга қаради, сўнгра:

— Қани, юринглар-чи, директорнинг олдига чиқиб бир гаплашайлик!— деди-да, жескин бурилиб қизининг кетидан чиқди. Мен эсам, ҳатто эшикдан чиқишга ҳам сабрим чидамасдан ўзимни деразадан отдим...

Бир-икки кундан кейин отаси Зоҳидани шаҳарга, катта ўғлининг олдига жўнатганини эшилдим. Бир ҳафтагача мактабга бормадим. Кейин ойим ялиниб-ёл-

вориб қўймадими, ё ўқитувчилар ўзла-
риёқ гапни босди-босди қилишни лозим
топишдими, ишқилиб, ўқишига чақириб
олишиди.

Мен ўшандан кейин ҳам бир-икки ой-
гача ўзимни қаёққа уришни билмай, ай-
ниқса, Оқсоқни кўрарга кўзим бўлмай
тажанг бўлиб юрдим.

Кейин... кейин, Зоҳидадан ҳеч бир хат-
хабар бўлмагани таъсири этдими, ё ёш-
ликка хос бепарвоник устун келдими, иш-
қилиб, аста-секин ҳаммаси эсдан чиқа
бошлади. Оқсоқ билан ҳам апоқ-чапоқ
бўлиб кетдим...

Хаёлимни рўпарадаги олмазордан чи-
қиб келган ойим бузиб юборди. У мени
кўрганда ажин қоплаган озғин юзи гўё
нур тушгандай ёришиб кетди, чуқур бот-
ган нурсиз кўзларида илиқ табассум
жилва қилди.

— Ҳа, тағин нимага хаёл сурив қол-
динг, болам?— деди у юзимга мулойим ти-
килиб.— Сен ҳам бундоқ бир қишлоқни
айланиб тенгқурларинг билан кўришиб,

ёэилиб келсанг бўлмайдими, ё пича мизғиб оласанми? Булоқ бошига жой солиб қўйдим.

— Майли,— мен олмазорга шўнғидим.

У ерда, боғимизнинг охирида, катталиги қора қозондеккина, аммо суви муздек бир булоқ бўларди. Мен уни болалигимдан жуда яхши кўрар, ёз кунлари тўғондан балиқ тутиб келиб, унга ташлаб қўярдим.

Ойимнинг булоқ бошига жой солиши бежиз эмас эди. Кеча кечқурун мени йўқлаб Мұҳаббат опа келдилар. Мен уни яхши танирдим. Ҳизматга кетишимидан олдин у райкомкомсомолнинг секретари бўлиб ишлар, ўзиям истараси иссиққина ёш жувон эди. Энди у колхозимиизга раис бўлиб келибди.

Мұҳаббат опа бир соатча ўтирди, кетаётуб режаларимни сўради:

— Узимизда қолгин,— деди у ёлвориб.— Хоҳлаган ишингни берамиз. Истасанг шоферлик қил, истамасанг бошқа иш топилади.

Мен индамадим, чунки кеча поезддан тушган заҳоти Военкоматга киргандим. Военком — соchlарига оқ оралаб қолган кекса полковник—худди Мұҳаббат опага ўхшаб режаларимни сўради, сўнгра Военкоматга ишга келишни таклиф қилди.

— Ҳозирча техника бўлимида ишлаб турасан,— деди у.— Маоши яхши. Уйжой ҳам топиб берамиз. Қейин агар хоҳласанг ўқишга юборамиз. Умуман ёмон бўлмайди, ўртоқ старшина.

Военкомнинг таклифи, гарчанд қанақа ўқишга юборишини билмасам ҳам, менга маъқул тушганди, шунинг учун Мұҳаббат опага аниқ бир жавоб бермагандим. Үшандан бери бу гапни эшитган ойим жуда тараддуланиб қолганди. У гоҳ йўқлаб келган ёр-биродарларим билан шипшиб-шивирлашар, тоҳ қишлоқни, боғни айланишимни тез-тез илтимос қиляр, афтидан, қишлоқ ҳаётининг бутун нафосатини кўз-кўз қилиб бўлса ҳам, мени ўз ёнида олиб қолишга иктиларди!..

Содда, оқ кўнгил аёл! У булоқ бошида-

ги каравотга жой солиб қўйган экан, роҳат билан чўэйлдим. Биқиллаб қайнаётган булоққа, унинг четларидағи, худди гўзал қизнинг киприкларидай битта-битта терилган майин ўтларга тикилиб хаёлга толдим.

Афтидан, «Мусофир бўлмасдан мусулмон бўлмайсан» деган нақлда гап кўп бўлса керак. Мен, гарчанд жуда баҳаво, хушманзара жойларда хизмат қилган бўлсам ҳам, кечадан бери на болаликдан таниш бу боғларнинг ҳуснига тўярдим, на дўстларнинг суҳбатига: назаримда, ҳамма нарса ўзгарган, бўлакча бир латофат кашф этгандай туюларди меяга.

Шу ўйлар билан кўзим илиниб кетганини пайқамай қолдим. Мени яна ойим уйғотди.

— Бирор келдими?

— Келмаса келиб қолар.

Эринчиоқлик билан ўрнимдан туралётганимда Оқсоқ Темирнинг илтимоси эсимга тушиб кетди.

Дарҳол уйга кириб, янги гимнастёркам

билин хром этигимни кийдим, эни бир қарич, ялтироқ тўқали камаримни боғлаб олдим-да, ўзимни кўзгуга солиб қарадим.

— Айланиб келмоқчимисан?— деди ойим тараддуға тушганимни кўриб.— Бор, болам, тенгқурларингга бўйгиннангни бир кўрсатиб қўй...

Мен кулгимни зўрға яширдим, чунки ойимнинг мақсадига тушуниб қолдим. У «тенгқурларинг» деганида йигитлар эмас, балки қизларни назарда тутар, афтидан, мен тезроқ бирор қизни яхши кўриб қолишимни истар, лекин буни очиқ айтишга ийманар эди. Аммо, ростини айтсам, ойим бу сафар ҳам соддалик қилдилар, чунки мен кеча, Мұҳаббат опа кетишлари биланоқ илгари ўзим ишлаган бригадага бориб, таниш қизларга «бўйгинамни кўрсатиб» келгандим. Қизлар мени астойдил севиниб, очиқ чеҳра билан қарши олишиди, лекин мен, кўнглим аллақандай ғаш бўлиб қайтдим. Негаки, универсалчини ҳисобга олмаганда, енгил ишларнинг

ҳаммасини эркаклар эгаллаб олишган, ҳатто ошпаз ҳам эркак эди. Қизлар билан ёш жувонлар эса кетмонда эди. Ўзларига ҳорғин, юзлари қуёшда қорайиб, қўллари қадоқ бўлиб, қотиб кетибди... Мана бугун ҳам шу! Кун ботяпти-ю, клубга етганимча бирорта таниш қизни учратмадим.

Клубни, унинг қуёшда товланган қизил тунука томини анча узоқдан кўрдим. У колхоз боғининг шарқ томонига, жуда қулай жойга тушганди. Чунки бу боғ қишлоқнинг қоқ ўртасида бўлиб, ўзиям жуда катта ва жуда хушманзара эди. Боғнинг кун ботиш томонида анҳор ўтадиган жойида, чойхона ҳам бўларди.

Пештоқлари мармар устунлар билан кўтарилиган клуб шундай салобатли эдики, унинг ёнида идоранинг узундан-узоқ биноси ҳам кичрайиб, чўкиб қолганга ўхшарди... Гулзорга яқинлашганимда ғалати бир манзарага кўзим тушди.

Клубга кираверишдаги кафтдеккина очиқ майдонда ўн чоғлик ёш болалар

кимнидир даврага олиб, осмонни бошларига күтариб шовқин солмоқда, зинапояга бемалол ўтириб олган Оқсоқ Темир эса, ҳадеб:

— Ҳал Маймоқ, бос! Бўш келма, ҳа!— деб бақиради.

У шунчалик қизишиб кетгандики, ёнинг борганимни ҳам сезмай қолди.

Қарасам, даврада ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги иккита бола курашмоқда эди. Уларнинг бирин ҳақиқатан ҳам маймоқ, новча ва озгин; иккинчиси эса паканароқ бўлса ҳам тўладан келган, бақалоқ бир бола эди.

Оқсоқ Темир ўрнидан туриб кетди, бўйнини бурмасдан, юқоридан пастга тикилиб:

— Бос, Маймоқ, кўтар!— деди кўзлари ўйнаб. Лекин шу пайт нима ҳам бўлди-ю, пакана бола Маймоқни кўтариб урди. Бу шунчалик фавқулодда юз бердики, мен унинг йиқилганини йиғламсираб ўрнидан тура бошлаганидагина сездим.

— Э, сени қара-ю, Маймоқ!— деди Оқ-

соқ Темир, афсус билан қўлини силтаб.—
Мен сени полвон деб юрсам, уканг тенги
боладан йиқилдингми?..

У сўзини тугата олмади. Чунки йиғлам-
сираб турган Маймоқ тўсатдан худди
қаттиқ сиқилган пружинадай Оқсоқ Темирга қараб отилди. Кейин нима бўлга-
нини англаёлмадим, фақат Оқсоқ Темир-
нинг:

— О!— деб қўлини «шап» ушлаганини
кўриб қолдим, холос.

— Ўзинг Маймоқ! Оқсоқ Темир! Кўр
Шермат!— деди Маймоқ бутун вужуди-
ни титроқ босиб.

Оқсоқ Темир бошини буқадай эгиб, ун-
га томон юрди:

— Жўна, сўйлоқ! Ҳозир бир тепаман-
ки, ойингни осмонда кўрасан...

Мен олдин болаларга қўшилиб кулиб
юбордим. Кейин лаблари пирпираб, ҳақо-
рат ва аламдан кўзлари ёниб турган Май-
моққа қарадиму, ўшанда ўзим ҳам шун-
дай бўлганим эсимга тушиб кетди.

— Тўхта, Оқсоқ!— дея унинг кўтарил-

ган қўлини ушладим.— Боламисан, шу жўжакхўroz билан уришиб?

— Кўрмайсанми, сўйлоқ тишини ғарчча ботирди-я!

— Узинг сўйлоқ!— деди Маймоқ, бу сафар пастроқ товушда.

— Бор, жўна!. Ҳамманг эшакларингни суғорларинг—марш!—Оқсоқ Темир қўлиниг қонаган жойига гулзордан лой олиб босди, сўнгра менга қараб жилмайди.

— Сенга ўхшаган жирттаки чиқди бу Маймоқ... Кўрасанми клубни?

Биз нақшдор мармар устунлар ёнидан ўтиб, деворлари қизил рангга бўялган чорси фоега, кейин залга кирдик.

Зал энсиизроқ, бироқ чўзиқ, афтидан, олти юз ёки шундан кўпроқ одамга мўлжалланган эди. Лекин ичи қоронғи, совуқ ва қандайдир ҳувиллаб турганга ўхшарди. Ўзиям анчадан бери супурилмаган, оёқ остида ғижимланган қоғоз, чекиб ташланган папирос қолдиқлари ётар, стуллар ҳам палапартиш қўйилганди.

— Қалай, зўрми,— деди Оқсоқ Темир,

сўнгра оёғи билан полдаги папирос қолдиқларини четга сураркан.— Қачон биз ҳам бундоқ бир маданиятга ўрганар эканмиз?— деб пўнғиллади.— Ҳафта саинн супуришни канда қилмайману, ахвол мана шу!

Тўсатдан унинг эсига тушиб кетдими, ё мавзуни ўзгартиргиси келдими, ишқилиб:

— Чиқамизми?— деди чап кўзини айёрона қисиб.— Ҳозир ўтиб кетдилар. Ҳудди келишингни билгандай хонатлассарга беланиб олибдилар!

Мен, гарчанд Оқсоқ Темирнинг шу гапини боядан бери кутсам ҳам юрагим ҳудди иссиқ чўғ босгандай «жиз» этди, хаёлимни бетоқат бир фикр эгаллаб олди:

«У ҳозир қанақа экан?»

Биз клубнинг кун ботиш томонига ўтдик ва узун айвондан юриб, энсизроқ, бироқ деразалари очиқ бўлгани учунми, ёп-ёруғ бир хонага кирдик. Хона ёғоч тўсиқ билан иккига бўлинган. Биринчиси,

ўқиши зали бўлса керак: қатор столларда шахмат ва шашкалар, газета-журналлар ётар; иккинчисида, шифтга тегиб турган жавонларда саранжомлик билан терилган китоблар саф тортганди. Зоҳида тўрдаги жавоннинг олдида, эшикка яrim ўгирилган ҳолда китоб варақлаб турарди.

Эгнида хонатлас кўйлак, оёғида пошнаси баланд туфли, бир маҳаллар белига тушиб турадиган бир ўрим йўғон сочлари бошининг орқасига турмакланган.

Ўшанда, ишқида ёниб юрган чоғларимда Зоҳида лўппигина қиз бўлгани учунми, мен боя оппоқ бир дўндиқни кўз олдимга келтиргандим, ҳозир эса олдимда хипча белли, нозиккина бир аёл турарди: У келганимизни пайқамадими, ё пайқаса ҳам ўзини билиб-билмасликка солдими, ишқилиб, қарамади.

Оқсоқ Темир чап кўзини қисиб, менга бир қараб қўйди, сўнгра:

— Кирсак мумкинми, гўзал қиз! — де-ди маънодир йўталиб.

Зоҳида кўзларини китобдан узиб, қиё боқди, боқди-ю, бир нафас қимирамай тикилиб қолди: бурунгидай лўппи бўлмаса ҳам юмалоқ, мулойим юзида, катта кўм-кўк кўзларида таажжуб аралаш бир ҳаяжон, йўқ, худди ўз қалбимдагидай зўр бир қизиқиш ифодаси жилва қилди.

— Ҳа, танимадиларми?— деди Оқсоқ Темир.— Бўлмаса танишиб қўйсингилар: қишлоғимиизга келган янги участковой, милиция старшинаси...— у менинг исмими ни айтди ва хурсанд бўлиб кулди.— Бундан буён безорилар тегажаклик қилинса шу ўртоққа мурожаат этасиз...

Зоҳида лабини буриб мулойим жилмайди, бошини билинар-билинмас қимираматиб салом берган бўлди.

— Ээ,— деди Оқсоқ, ҳафсаласи пир бўлиб.— Мен сенларни йиғлаб кўришар-микансанлар девдим. Қойил! Ӯшандаги оҳ-воҳларнинг ҳаммаси бекор экан-да, бундан чиқди!— у менга юзланди:

— Қани, юр, битта ташлашайлик. Сендача Мажнундан ҳам ўргилдим!

Зоҳида шошқалоқлик билан ёғоч тў-
сиққа энганиб қутичадаги карточкалар-
ни титкилашга киришди. Тўсиқнинг ёни-
дан ўтаётуб, мен унинг ранги ўчиб, бурун
катаклари пирпираб учаІтганини кўрдим.
кўрдиму, ўзим ҳам алланечук бўлиб кет-
дим...

Деразанинг олдига ўтириб бир-икки
партия шашка ўйнадик. Бироқ ўйин мени
ўзига тортмас, бутун хаёлим Зоҳидада
эди. Ҳадеб унга ўгирилиб қарагим келар,
лекин қарашга ийманардим.

Боя дараҳт учларига чўғ сочиб турган
сўнгги нурлар ўчган, боғни майин, илиқ
ва аллақандай сокин қоронғилик секин
чулғамоқда. Ўзоқдан, афтидан, чойхона-
дан бўлса керак, рубоб овози эшитилар-
ди...

Кўзим рўпарадаги хиёбонда келаётган
бир қиз, бир йигитга тушди. Йигит ҳа-
деб қизнинг қўлини ушламоқчи бўлар,
қиз эса қўлини олиб қочар ва куларди.
Яхшиям Оқсоқ Темир деразага орқа
ўгириб ўтирас, акс ҳолда пичинг отмас-

дан иложи йўқ эди. Бир оздан кейин кутубхонага кириб келдилар. Улар кириши билан Зоҳида лампочкани ёқди. Оқсоқ Темир бошини лиқиллатиб илжайди:
«Ёшлар ўсяпти!»

— Қани, яна битта ўйнайлик!— деди у.— Ютсанг ютдинг, бўлмаса тошингни тер!

Мен кулиб қўя қолдим. Кўзим шашкада бўлса ҳам диққат-эътиборим Зоҳида билан икки ёшда эди. Қиз билан йигитнинг хатти-ҳаракатлари юрагимни қитиқлар, уларнинг муомаласида, кулиб қарашларида Зоҳида билан кечган масъуд дамларни эслатадиган бир нима бор эди!

— Қалай, ёқдими?— деди Зоҳида.

— Жуда.— Йигит кулди.

— Ана, айтмаганмидим? Сен бўлсанг нуқул фантастика-ю, шпионлар...

— Яхши фантастик романлардан топилса ёмон бўлмасди-я!..— деди йигит.— Аммо, майли, агар шу ёзувчининг асарларидан бўлса беринг.

— Бор. Сенга-чи?

Мен ер остидан секин қарадим. Қиз қўлидаги китобини ўйнаб кулимсираб турар, кўзларини ерга тиккан эди.

— Менга... агар мумкин бўлса мана шунаقا... севги-муҳаббат тўғрисида бўлсин...

Қиз бу гапни жуда секин айтди, лекин Оқсоқ Темир ҳам менга ўхшаб уни кузатиб турган эканми, ё бунақа гапларга у табиатан зийракми, бирдан қулоғини диккайтириб:

— О!— деди кўзини қисиб.— Ҳалитдан кўнгиллари ишқ-муҳаббат қўмсаб қолибди-да, лаббай?

Олдин қиз ранги бўздай оқариб, лаблари титраб, Оқсоқ Темирга томон бир қадам юрди, аммо тили гапга келмади, кўзлари бирдан жиққа ёшга тўлди-ю, ўзини эшикка урди. Унинг кетидан йигит отилди:

— Тўхта, Соҳиба, тўхта!

Уртага бир нафас кутилмаган жимлик чўкди, сўнгра Оқсоқ Темир хохолаб кулиб юборди.

— Бир гап билан қочирдиму, ўргилай ўзимдан!

Мен чидай олмасдан ўрнимдан туриб кетдим.

— Шу ҳам гап бўлдими? Қап-катта одамга ярашадими шу?!

— Оббў сен-эй! Битта ҳазил...

— Йўқ, биринчи сафар эмас бу! Ҳар доим шундай қиласиз. Ҳар доим!..

Мен ялт этиб қарадим: Зоҳида тўсиннинг олдида туарди. Мен уни ҳеч қачон, ҳатто мактабда бўлган машъум жанжалда ҳам бу аҳволда кўрмагандим.

У юзлари ловиллаб, ажойиб мовий кўзлари чақнаб-чарақлаб кетган, ўзиям олдинга талпинган, худди учишга ҳозирланган гўзал бир қушни эслатарди.

Оқсоқ Темир секин ўрнидан турди, бароқ қошлари туташиб, хўмрайиб қаради.

— Хўп, бундан кейин ўйлашиб ҳазиллашадиган бўлдик.

— Бу ҳазил эмас,— деди Зоҳида.— Бу ҳақорат! Бу... ёшларнинг энг нозик, энг яхши туйғуларини поймол қилиш дейди.

лар буни! Бўлди!— Зоҳида энтикди.—
Агар яна шундай қиласиган бўлсангиз
мен... парткомга чиқаман.

Секин Оқсоққа қарадим. Мен унинг
бирдан тувақиб кетишини, «бор, партком
тугул ундан каттасига чиқиб айт!» деб
ўшқириб беришини кутгандим, лекин,
ажабо: Зоҳиданинг гаплари бошқача таъ-
сир этди унга. У кутилмаганда довдираб,
бўшашиб қолди. Қисиқ кўзларини ғалати
жавдиратиб бир менга, бир Зоҳидага
қаради, сўнгра:

— Майли,— деди ўксингандай бўлиб.—
Ўзиям анчадан бери кирмай юрувдик.
Энди қадам босмайдиган бўлдик кутуб-
хонангизга...

Шундай деди-ю, билинар-билинмас оқ-
соқланганича эшикка томон юрди. Зоҳи-
да менга қаради. Қошлари чимирилган,
худди ёш боладай саросимага тушиб
қолгани чеҳрасида шундоқ акс этиб ту-
риди.

— Мана шу...— деди у хижолат че-
киб.— Бир нима десангиз мана шундай

қилади. Ўзи бўлса ҳамманинг жонига тегиб бўлди. Мана ҳозир ҳам бу икки ёшни... қанчалик ҳақорат қилганини ўзиям тушунмаса керак.

Секин ёнига бордим.

— Боя жуда тўғри айтдинги: чиқиш керак парткомга!

Зоҳида бир дақиқа юзимга тикилиб қолди: катта мовий кўзлари хиёл ғамгин ва мулоим туюлди менга. Сўнгра олдидаги дафтарга тикилиб, уни варақлай бошлади.

Мен унинг оппоқ, кенг пешанасидан, қирра бурнидан кўзимни ҳеч узолмасдим, айни замонда, қалбим илиқ ва аллақандай маъюс туйғуларга тўлиб-тошиб борарди. Тўсатдан унинг киприклари орасидан бир томчи ёш аста юмалаб чиқиб, лабининг четидаги чуқурчага оқиб тушганини кўриб қолдим. Ўрагим ҳовлиқиб кетди.

— Сизга нима бўлди, Зоҳида?

Зоҳида индамади, мен довдираб қолдим.

— Ишларингиз, турмушингиз яхими?

— А?— деди Зоҳида, худди бир нимадан сесканиб кетган одамдай.— Яхши, жуда яхши,— деди у шошиб ва кўз ёши эрасидан жилмайди.— Шунчаки... Ўзим...

Зоҳида шундай деди-ю, қизариниб яна дафтарини варақлашга киришди. Юрагим орзиқиб секин қўлини ушладим.

— Нега ўшанда... икки энлик хат ёзмадингиз? Бир хабар бермадингиз?

— Уша гаплардан кейинн-а?— деди Зоҳида бошини кўтармасдан. Сўнгра секин қўшимча қилди:— Ўзням худди илк баҳорда келадиган қора совуқдай бўлди-да, ўшанда... Аямажуз дейишарди шекилли, номи эсимда йўқ. Ҳеч кутилмаган вақтда келади-ю, очила бошлаган гул-ғунчани уриб кетади...

Мен нима дейишимни билмас эдим, унинг пешанасига, қулоқларини ўраб олган тилла ранг соч толаларига тикилиб турар ва фақат бир нарсани — юрагим безиллаб оғриётганини сезардим, холос.

Зоҳида тўсатдан бошини кўтарди.

— Бирорлар келяпти! — деди у ташқариға қулоқ солиб. — Китобхонларга ўхшайди...

У кўзларини артиб жавонга бурилди, мен индамай эшикка томон юрдим.

Айвон ёруғ бўлгани учунми, рўпарамдаги боғ зим-зиё бир бўшлиққа ўхшар, осмон ҳам пастлашиб гўё боғ билан қўшилиб кетганди, юлдузлар эса жуда йирик ва дона-дона бўлиб кўринарди.

Мен устунга суюниб туриб қолдим. Юрагим ҳамон безиллар эди. Хаёлимга тузук бир фикр келмасди. Мен кетишимни ҳам, кетмаслигимни ҳам билмай турганда, тўсатдан, рўпарамдаги зим-зиё бўшлиқнинг орқасидан гўё бир гала қуш бирдан парвоз қилгандай «гурр» кулги эшитилди, бир дақиқа тинди-ю, яна «гурр» этди.

Афтидан, у ерда асқия авж олтанди. Шундай ажойиб клуб бўш ётса-ю, чойхона одамга тўла бўлса!

Айвондан тушиб, идорага бурилдим.

Кутубхонага ёндош катта ёруғ хонада

ўн чоғлиқ одам ўтиради. Баъзилари дўппиларини чаккаларига суреб, баъзилари лампочкадай ялтиллаган бошларини қашиб, ҳисоб чўтларини шақиллатмоқда, хонанинг тўрида, қизил духоба қопланган креслога ўзини ташлаб буш бухгалтер ўтирад ва шифтга тикилганича телефонда бўғилиб гапирарди.

Негадир, эҳтимол, катта залда бирорта аёл кўринмагани учун, яна қеча пахтазорда кўрганим қизлар эсимга тушиб кетди, кўз олдимга уларнинг қорайиб кетган юzlари, қадоқ қўллари келди.

Раиснинг хонасига яқинлашганимда орқамдан, асфальтда товушсизгина сирғалиб келиб «Волга» тўхтади, ундан Муҳаббат опа чиқди. Оёғида пошнаси паст бежирим этик, бошида похол шляпа, қўлида ҳипчин, у худди қадди-қомати келишган ёш йигитга ўхшаб кўринди.

— Мени кутиб турибсанми? — деди Муҳаббат опа.

Даҳлизда раисни кутиб уч-тўрт аёл билан беш-олти мўйсафидлар ўтиришарди,

бурчакдаги столнинг орқасида, секретарь бўлса керак, ҳеч кимга қарамасдан ни-
манидир ёзмоқда эди. Раис кириши билан у сакраб туриб қоғозларни йиғиши-
тира бошлади, лекин Муҳаббат опа уни тўхтатди:

— Буёқ билан бир оғиз гаплашиб олай, кейин киравсиз,— деди у.

Муҳаббат опа ўз жойига ўтиб ўтирапкан, икки ўрим йўғон қора соchlарини ел-
касига отди. Унинг ишончли ҳаракатла-
ри, қуёшда қорайиб кетган юзи кишида беихтиёр завқ уйғотарди, ўзиям райком-
комсомолда ишлаб юрган чоғларидағи-
дай ёш, чиройли эди.

— Ке, ўтири,— деди у рўпарасидаги креслога имо қилиб.— Боя уйингга одам юборувдим, бордими?

— Йўқ, ўзим қишлоқни айландим...
Клубларингизни кўрдим.

— Нега энди клубларингизни дейсан,
клубимизни дегин!— Муҳаббат опа кул-
ди.— Еқдими?— деб сўради жиддий.

— Жуда шоҳона. Шоҳона бўпти-ю... .

— Ҳа, айт! Айтавер, дилингдаги гапни!

— Шу... клуб бошлиғига ҳайронман.
Ҳамма ёшлар чойхонада ўтиришибди-ю,
клуб ҳувиллаб ётибди.

Мұхаббат опа олдидаги қоғозга тикилди, бир нафас жим қолди.

— Ҳа, клуб бошлиғимизнинг мазаси йўқ,— деди у ўйчан овозда.

— Мен ҳайронман,— дедим кеча шийпонда кўрганларим эсимга тушиб,— колхозда ўрта мактабни битирган қизлар жуда кўп. Шулардан бирортасини тайинласаларингиз бўлмасмиди?

— Эплай олармикин?— деди Мұхаббат опа.

Мен унинг ўйчан кўзларига тикилдим; сўнгра ерга қарадим. Бу гапни Мұхаббат опанинг оғзидан эшитиш жуда ғалати туюлди. Ахир... наҳот ўзи бир колхозни бошқара олишига амин бўлса-ю, битта клубни эплайдиган бир қиз топилишига ишонмаса? Ёрайкомкомсомолда ишлаб юрган пайтларида хотин-қизлар тўғрисида гапириб юрган гаплари ҳаммаси бекор

эканми? Ё бу аёл ҳам оғиз кўпиртириб гапирадиган, амалда эса ўзини четга олиб юрадиган хилиданми?

— Нега жилмаясан?— деди Муҳаббат опа.— Биламан...

— Йўқ,— дедим, шунчаки... райком-комсомолда пайтингизда ўқиган битта лекциянгиз эсимга тушиб кетди...

— Сен ўйлайсанки, бу осон деб...

— Осон бўлмаса керакки, шундай катта идорада биттаем аёлни учратмадим.

— Менга қара,— деди Муҳаббат опа.— Клубни сен ол. Киномеханиклар курсига юборамиз, бир ойда битириб келасан..

Мен индамадим.

— Агар истасанг... комсоргликни ҳам берамиз. Гапинг тўғри. Хотин-қизлар масаласи чатоқ. Бироқ буни ҳал қилиш осон эмас. Ке, бирга ишлашайлик, военкоматда нима бор? Завхоз қилишмоқчи-ми?

Мен яна жавоб бермадим.

Йўқ, гап военкоматда эмас. Лекин бу ерда, клубда ишлаш, ҳар соат Зоҳидани

кўриш, унинг мулойим табассумини, юриш-туришини кузатиш, сени севган, балки ҳалиям севадиган бу қиз энди ҳеч қачон сеники бўлмаслигини ҳис этиш... буни қандай тушунтириш мумкин унга.

— Иўқ, мен қола олмайман.

— Шунақами? Танқид қилишни ҳаммамиз биламиз,— деди ҳорғин овоз билан,— танқидга устамиз, бироқ ёрдам бериш... ҳамманиям қўлидан келмайди!

Муҳаббат опанинг яна узиб-узиб гапиришини кутгандим, лекин у:

— Хўп бўлмаса,— деди у олдидаги қоғозларни титкилаб.— Сенга рухсат...

Кўнглим ғаш бўлиб идорадан чиқдим, бир-бир босиб яна кутубхонага бордим.

Зоҳида кетишга ҳозирланаётган бўлса керак, столлардаги газета-журналларни тартибга солмоқда, ёғоч тўсиннинг олдида ўн-ўн икки яшар бир бола туради.

Зоҳида ёнимдан ўтаётганида димоғимга нафис атир ҳиди урди...

Аблаҳ, Кўр Шермат! Агар ўшанда аяможузлик қилмаганингда ҳозир Зоҳида-

нинг олдига бу бола эмас, мен келардим.

Эҳтиётсизлик билан айтилган бир оғиз совуқ сўз шундай баҳтдан маҳрум этди мени! Ажабо: қачон биз, битта илиқ сўз, битта дўстона муомала, ёҳуд дағал гап кишини ё баҳтли, ё бир умр баҳтсиз қилишга қодир эканини тушунар эканмиз?

Бу ҳақда чуқурроқ ўйга толдим. Лекин шу маҳал миямга бошқа бир ўй келди! Бир томони ўзимни оқлаш учунгина бу хаёлларга бораётганимни сезиб қолдим.

Қаердандир, Оқсоқ Темирнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Қани, туёғингни шиқиллат, кемшик! Бугун кино йўқ.

Кимdir қочди, кимdir кулди, сўнгра ёш боланинг асабий овози жаранглади:

— Оқсоқ! Оқсоқ! Темир Оқсоқ!

— Кўр Шермат! — деди яна бир овоз.

— Аямажуз,— дедим мен. Кўз олдимга негадир боя севги ҳақида китоб сўраган қизнинг титроқ лаблари келди. Сўнгра ўзим ҳам сезмасдан идорага, Муҳаббат опанинг хонасига томон йўл олдим.

Ташкент, 1962 йил.

МУНДАРИЖА

Видо	5
Аямажуз	54

На узбекском языке
АДЫЛ ЯКУБОВ
А Я М А Ж У З

Рассказы

Гослитиздат УзССР—Ташкент—1963

Редактор М. Сафаров
Рассом Г. П. Бедарев
Расмлар редактори И. И. Нирков
Техн. редактор А. Назиров
Корректор М. Абдушукурова

Босмахонага берилди 4/II—1963. Босншга рух-
сват этилди 7/III—1963. Формати 84×108^{1/2}.
Босма листи 1,5. Шартли босниа листи 2,46.
Нашр. листи 2,26. Тиражи 15000. Индекс б/а.
Р02514. УзССР Давлат баднии адабиёт нашри-
ёти. Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома
236—62.

УзССР Маданият министрияги Главиздатнинг
Ихтиносослаштирилган ҳарф терув Фабрикасида
та йўрланган матрицадан З-босмахонасида бо-
слиди. Тошкент, Ленинград кучаси, 15.
Заказ № 469. Баҳоси 7 т.